Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 166 (6770).

20 АВГУСТ ЖУМА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.



МАККАЖЎХОРИ—МУҲИМ ОЗУҚА БАЗАСИ.

УНИ НОБУД ҚИЛМАЙ, ТЕЗДА ЎРИБ-ЙИҒИБ ОЛАЙЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

АНДИЖОН ОБЛАСТИ ВА САМАРҚАНД ОБЛАСТИДАГИ ПАСТДАРҒОМ РАЙОНИ МАККАЖЎХОРИКОРЛАРИНИНГ ҲОСИЛНИ СИРА НОБУД ҚИЛМАЙ ЖАДАЛ ЎРИБ-ЙИҒИБ ОЛИШНИ ТУГАЛЛАШ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Андижон области ва Самарқанд областидаги Пастдарғом райони маккажўхорикорларининг ҳосилни сира нобуд қилмай, жадал ўриб-йиғиб олишни тугаллаш соҳасидаги тадбирларини маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига ана шу тадбирларни муҳокама қилиб, ҳосилни сира нобуд қилмай, қисқа муддатларда йиғиштириб олишни тугаллаш, давлатга дон сотиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришни таъминлайдиган тадбирлар белгилаш топширилди.

Республика, область ва район газеталари редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитетига маккажўхори ўрим-йиғимини тугаллаш юзасидан мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини ёритиб бориш топширилди.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ МАККАЖЎХОРИКОРЛАРИНИНГ ҲОСИЛНИ СИРА НОБУД ҚИЛМАЙ, ЖАДАЛ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ СОҲАСИДАГИ

ТАДБИРЛАРИ

Бутун совет халқи сингари Андижон областининг қишлоқ меҳнатчилари ҳам қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

Колхоз ва совхозлар давлатга ғалла сотиш топшириғини бу йил муваффақиятли бажардилар. Шу муносабат билан Андижон области Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг табригини олди.

Область маккажўхорикорлари кубанликларнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг юксак баҳосига сазовор бўлган ватанпарварлик ташаббусига жавобан ички резервларни қидириб топмоқдалар. Улар давлатга 20 минг тонна ёки дастлабки мажбуриятдагига нисбатан 10 минг тонна кўп маккажўхори дони сотиш юзасидан ўз зиммаларига янги оширилган социалистик мажбурият олдилар.

Колхоз ва совхозлар илғор тажриба ҳамда фан ютуқларини практикага кенг жорий қилиб, 9200 гектар майдонда мўл маккажўхори дони етиштирдилар. Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхозидан Найни Маматқодиров, ана шу райондаги Навоий номли колхоздан Антай Маматжонов, Жалақудук районидаги Димитров номли колхоздан Шокир Меҳмонов бошлиқ юз центнерчилар бригадалари ҳосил тўплаш пайтида алоҳида ибрат кўрсатдилар. Уларнинг экинзорлари яхши парваришқилинганлиги ва сўталарнинг салмоқли бўлганлиги билан қувонтиради. Рекорд марраларга чиқаётган бундай бригадалар областда кўпчиликни ташкил этади. Марҳамат районидаги Свердлов номли, Хўжаобод районидаги Куйбишев номли колхозларда гектаридан 90 центнердан ва ундан зиёдрок, Хўжаобод, Марҳамат, Ленин районларидаги катта-катта майдонларда эса гектаридан 70-75 центнердан ҳосил олиш мўлжалланмоқда.

Ҳосил учун курашнинг масъулиятли босқичи — маккажўхорини йиғиштириб олиш пайти келди. Маккажўхорикорлар экинни уюшқоқлик билан ва юқори сифатли йиғиштириб олиш учун бутун куч-ғайратларини сарфламоқдалар. Бу ишда ҳар қандай сусткашликка йўл қўйиш маккажўхори тупининг қуриб колишига, доннинг уруғлик ва товар сифатининг пасайишига, ҳосилнинг нобуд бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам областда бутун ўрим-йиғим техникасини ишга барвақт шай қилиб қўйишга ҳамда ўрим-йиғим ишларини қисқа муддатда ва юқори сифатли ўтказишга ғоят жиддий эътибор берилмоқда.

Область маккажўхорикорлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун конкрет тадбирларни ишлаб чиқдилар ва амалга оширмоқдалар. Барча хўжаликларда ўрим-йиғим ишларига раҳбарлик қилиш юзасидан оператив штаблар тузилди. Маккажўхорини йиғиштириб оладиган комбайнларга ва машина-механизмларга техникавий хизмат кўрсатиш учун кўчма устахоналар, созловчи слесарлар звенолари, улар учун деталлар ва узелларнинг зарур запаси ажратилди, ҳар бир комбайнга, иккита прицеп ҳисобидан трактор прицеплари, автомашиналар техникавий жиҳатдан бекамиқўст тахт қилиб қўйилди, хирмонлар тозаланди, тарози хўжалиги текшириб чиқилди.

Маккажўхори йиғиштириб оладиган 137 та комбайннинг ҳаммасидан ва бошқа техникадан юқори унумли фойдаланиш, машиналарнинг бекор туриб қолишини жуда қисқартириш ҳисобига бир кунда ҳар бир комбайн билан 4—5 гектаргача майдондаги ҳосилни йиғиштириб олишга аҳд қилинди. Бундан ташқари маккажўхори донини йиғиштириб олиш пайтида 7 минг киши ишлайди, бу эса ҳар куни 7-8 процент майдондаги ҳосилни йиғиштириб олиб, ўрим-йиғимни 25 августгача тугаллаш имкониятини беради.

Область хўжаликлари ўтган йилдаги каби бу йил ҳам маккажўхори донини давлатга фақат тоза ҳолда топширадилар. Бунинг учун хўжаликларда «МКП-3» маркали 45 та машина тайёрлаб қўйилди, шунингдек ғалла - йиғиштириб оладиган комбайнлар зарур миқдорда мослаштириб қўйилди. Кунига 1400 тонна маккажўхори донини давлатга топшириш ҳисобидан график тузилди, оширилган социалистик мажбуриятни 1 сентябргача бажариш кўзда тутилмоқда.

Колхоз ва совхозларда маккажўхори ҳосилини сира нобуд қилмай йиғиштириб олишни тезда тугаллаш учун маккажўхорикорларнинг социалистик мусобақаси кенг авж олиб кетди.

Пешқадамларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириш билан бирга маккажўхори донини йиғиштириб олишда социалистик мусобақа ҳар беш кунда якунлаб турилади.

Ўз ваъдаларига вафо қилиш учун астойдил бел боғлаган область маккажўхорикорлари республиканинг барча маккажўхорикорларини ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида дон етиштириш ва уни давлатга сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилишга даъват этадилар.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИДАГИ ПАСТДАРҒОМ РАЙОНИ МАККАЖЎХОРИКОРЛАРИНИНГ ҲОСИЛНИ СИРА НОБУД ҚИЛ МАЙ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШНИ ТЕЗДА ТУГАЛЛАШ БОРАСИДАГИ

ТАДБИРЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кубань ғаллакорларига йўллаган мактубини район қишлоқ хўжалик меҳнатчилари зўр шавқ-завқ билан кутиб олдилар.

Колхозчилар ва совхоз ходимлари ана шу мактубга жавобан резервларни ва имкониятларни қидириб, илгари олинган мажбуриятни қайта кўриб чиқдилар ва янги анча юксак марраларни белгиладилар.

Район ғаллакорлари беш йилликнинг биринчи йилида 15,3 минг тонна дон етиштириш мажбуриятини олдилар. Давлатга ҳозирнинг ўзидаёқ 4,7 минг тонна ёки плачдагидан 2,1 минг тонна кўп бошқа-лы экинлар дони сотилди.

Маккажўхорикорлар учун ҳозир қизғин ўрим-йиғим палласи бошланди. 1251 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 80 центнер ҳосил олиш мўлжалланган. Бу эса районда 10 минг тонна маккажўхори дони етиштириш имконини беради. Давлатга пландаги 210 тонна ўрнига 2,6 минг тонна маккажўхори дони сотилади.

Районда гектаридан юз центнердан ҳосил олиш учун социалистик мусобақа авж олдириб юборилди. «Коммунизм», К. Маркс номли ва «Ўзбекистон» колхозларининг коллективлари, шунингдек бошка хўжаликлардаги бешта комсомол-ёшлар маккажўхорикорлик бригадаси бу ташаббусни қўллаб-қувватладилар. Бундан ташқари 9 та маккажўхорикорлик бригадаси гектаридан 90 центнердан маккажўхори дони йиғиштириб олишга аҳд қилди.

Мўл ҳосил етиштириш билан бирга уни сира нобуд қилмай, энг қулай агротехника муддатларида йиғиштириб олиш ҳам муҳимдир. Ҳосилни йиғиштириб олишдаги сусткашлик маккажўхори тупининг қуриб қолишига, доннинг уруғлик ва товар қийматининг пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам районда ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиштириб олишни тезда тугаллаш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди.

Хўжаликларда «Херсонец» маркали 30 та ўрим-йиғим комбайнининг ҳаммасини, шунингдек янчиш агрегатларини ишга барвақт тахт қилиб қўйишга катта эътибор берилди. Маккажўхори дони учун группа усулида йиғиштириб олинади— 3 тадан комбайни бўлган ўнта группа ишлайди. Механизмларнинг ҳаммаси икки сменада ишлаш учун тажрибали комбайнчилар билан группалаштирилди. Бу ҳар куни маккажўхори экилган майдоннинг 7-8 процентидаги ҳосилни йиғиштириб олиш имкониятини беради. Маккажўхори дони 15 кун ичида йиғиштириб олинади.

Ўрим-йиғим ишларига оператив раҳбарлик қилиш мақсадида хўжаликларда штаблар тузилди. Ҳосилни ташиш учун 270 та автомобиль машинаси ва трактор тележкалари ажратилди. Ўрим-йиғим техникасига яхшироқ хизмат кўрсатиш, машиналарнинг бекор туриб қолишига йўл қўймаслик учун группаларга кўчма ремонт устахоналари биркитиб қўйилди, узеллар ва деталлар запаси вужудга келтирилди, хирмончилар барвақт тозаланди, тарози хўжалиги текширишдан ўтказилди. Механизаторларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тадбирлари кўрилди.

«Дала маликаси»ни йиғиштириб олишда социалистик мусобақа якунлари ҳар беш кунда чиқариб турилади. Қолиб хўжаликлар учун кўчма Қизил байроқлар, группалар учун эса вимпеллар таъсис этилди.

Самарқанд область Пастдарғом районининг маккажўхорикорлари Ўзбекистон етиштирадиган бир миллион тонна ғаллага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш, Ватанга берилган сўзнинг устидан чиқиш учун астойдил бел боғлаб, республиканинг барча ғаллакорларини ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлашга даъвят этадилар.

Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз пахтакорлари бу йил барча майдонларда етиштирилган ялпи ҳосилни машиналарда териб олиш учун курашмоқдалар. Ҳозирги кунгача мавжуд 20 та терим агрегатининг ҳаммаси старт майдонига келтириб қўйилган. Илғор механизаторлардан Эрали Серикбоев (чапда) ва Алиқул Умурзоқовлар ўз агрегатлари билан 200 тоннадан «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олишган.

А. Тўраев фотолари.

МАККАЖЎХОРИ ДОНИНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ БЎЙИЧА 19 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Биринчи стун — жами майдон (гектар ҳисобида), иккинчи стун — ҳосил йиғиштириб олинган майдон (планга нисбатан процент ҳисобида), учинчи стун — тайёрланган дон (топшириқ қа нисбатан процент ҳисобида).

Бекобод	1.331	38.1	12.1
Оққўрғон	1.156	29.7	4.5
Қуйи Чирчиқ	1.679	24.4	1.5
Чиноз	1.400	20,8	7.5
Пискент	950	19.6	3,2
Ўрта Чирчиқ	647	12,4	—
Бўка	1.295	12.1	6.0
Калинин	695	11.1	3,5
Янгийўл	1.214	10.1	10.4
Тошкент	511	8.0	—
Оҳангарон	1.404	6.4	2.6
Юқори Чирчиқ	1.332	3.4	—
Оржоникидзе	576	—	—
Бўстонлиқ	707	—	—
Область бўйича:	14.897	15.3	3.8

«ЛУНА-24» СТАНЦИЯСИ ОЙ ЮЗИДА

ТАСС АХБОРОТИ

1976 йил 18 август куни Москва вақти билан соат 9 дан 36 минут ўтганида «Луна 24» совет автомат станцияси Кризислар денгизининг жануби-шарқий районида селенографик координатлари: Шимолий кенгликнинг 12 градус 45 минут ва Шарқий узунликнинг 62 градус 12 минутли нуқтасида Ой юзига оҳиста қўнди.

Илгари хабар берилганидек, «Луна-24» станцияси 1976 йилнинг 14 августида селеноцентрик айланма орбитага чиқарилганди.

Учиш программасига мувофиқ 16—17 август кунлари станция ҳаракат траекторияси ростлаб қўйилди, бунинг натижасида у максимал баландлиги Ой юзидан 120 километр ва минимал баландлиги 12 километрга борадиган эллиптик орбитага ўтди.

Станция Ойдаги ҳисоблаб қўйилган районга бориб қўнишини таъминлаш учун, 18 августда соат 9 дан 30 минут ўтганида тормозловчи мотор ишга солинди. Станциянинг пасайиши бошқарилган ҳолдаги туширш режимида ўтди ва ҳисоблаб қўйилган районга бориб оҳиста қўниш билан поёнига етди.

Телеметрик ўлчаш маълумотларига кўра, станция бортидаги ҳамма системалар нормал ишлаб турибди. Ой юзида белгиланган учиш программасини бажариш бошланди.

«САЛЮТ-5»ДА ТЕХНИКАВИЙ ЭКСПЕРИМЕНТЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 18 август. (ТАСС). Борис Волинов билан Виталий Жолобовнинг «Салют-5» орбитал илмий станцияси ичидаги ишлари давом этмоқда.

Программага мувофиқ космонавтлар космик аппаратлар мўлжал олиш системасини такомиллаштириш мақсадида бир қанча техникавий экспериментлар бажардилар. Жумладан, 17 август куни станция бир неча соат мобайнида оптик визир бўйича мўлжал олдирилувчи дастлабки режимда бошқарилди.

Медицинавий экспериментлар программаси бўйича, космик учиш омиллари таъсирида космонавтларнинг таъм сезишларидаги ўзгаришларни аниқлаш бўйича навбатдаги бир қанча тадқиқотлар ўтказилди.

Станция бортидаги системалар нормал ишлаб турибди. Волинов ва Жолобов ўртоқлар ўзларини яхши ҳис этяптилар.

«Салют-5» станцияси ҳамон учмоқда.

ТЕРИМ ТАҚДИРИНИ МАШИНАЛАР ҲАЛ ҚИЛАДИ

ЯНГИЙЎЛ райони пахтакорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлов пунктларини 1976 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарорини қизғин қўллаб-қувватлаб, мавсумни шайланиб кутиб олиш чораларини кўрмоқдалар.

Район хўжаликларида асосан уруғлик пахта етиштирилаётганлигига қарамай, механик-ҳайдовчилар ўнинчи беш йилликнинг тўғриси йилида «зангори кема»лари бункеридан хирмонга 18 минг 500 тонна «оқ-олтин» тўкишга аҳд қилганлар. Хўжаликлардаги 191 пахта териш машинасининг 180 таси, 52 та кўрак териш агрегатидан 42 таси, 96 та кўсак чувиш механизмнинг ҳаммаси, барча прицеплар сифатли ремонт қилиб қўйилди. «Ленинизм», Ленин номли, «Интернационал», Назаралы Ниёзов номли ва Калинин номли колхозларда барча терим техникаси далага олиб чиқишга шай. Янгийўл пахта тозалаш заводининг 5 та тайёрлов пункти ҳам ҳосилни қабул қилиб олишга тахт бўлиб турибди.

Хўжаликларда машина теримини икки сменада олиб бориш учун 400 механик-ҳайдовчи тайёрланган. Улар техникадан юқори унум билан фойдаланиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, зиммаларига оширилган мажбуриятлар олмоқдалар.

Қуйида район хўжаликларида машина теримига қандай тайёргарлик кўрилаётгани билан танишасиз.

90 ПРОЦЕНТ ҲОСИЛ— «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАРДА

А. ШЕХ,
«Интернационал» колхозининг бош инженери

Колхозимиз механизаторлари пахта йиғим-теримини комплекс механизациялашда бой тажрибага эгадирлар. Ўтган йили хўжалигимизда ялпи ҳосилнинг 85 процентидан кўпроғи машиналар ёрдамида териб олинди. «Зангори кема»лардан самарали фойдаланиш натижасида етиштирилган «Оқ олтин» қисқа фурсатда, нес-нобуд қилинмасдан йиғиштириб олинди. Пахта таннархи арзонлашди.

КПСС XXV съезди тарихий қарорларига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилган пахтакорларимиз бу йил 750 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 2850 тонна пахта сотиш мажбуриятини олганлар. Механик-ҳайдовчилар бу ҳосилнинг 90 процентини ялпи 2650 тоннасини ўз агрегатлари ёрдамида териб олишни мўлжалламоқдалар.

Хўжалигимиздаги мавжуд 30 та терим машинаси тўла ремонтдан чиқарилган. Ҳозир улар чопиқ тракторларига осилиб, синаб кўрилмоқда.

«Зангори кема»ларга ўз вақтида кенг иш фронти очиб бериш дефолиациянинг сифатли ўтказилишига боғлиқдир. Хўжалигимизда машина теримига ажратилган майдонлардаги ғўзанинг барги самолётлар ёрдамида тўкиладн. Қайтиш жойлари ва уватлардаги ғўзалар аппаратлар билан дефолиация қилинади.

Дарғаларимиз машина теримини бункер — тележка—қабул пункти усулида ташкил этадилар. Бунинг учун ҳар бир пахта териш машинасига иккитадан тележка биркитилади. Ҳозир 80 тележканинг ҳаммаси тайёр турибди.

Машина теримини икки сменада ташкил этамиз. Хўжалигимизда 60 механик-ҳайдовчи ёки ҳар бир пахта териш машинасига иккитадан механизатор тайёрланди. Улар ўртасида социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқарилган. Мусобақага машина терими бошланганда кейин ҳар 5 кунда якун ясалиб, илғорлар вимпел ва қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланадилар.

Колхозимизнинг илғор дала гвардиячилари мамлакатимизнинг машъал механизаторлари даъватига жавобан мавсумда техникадан юксак унум билан фойдаланишга қарор қилдилар. Моҳир механик-ҳайдовчилардан Т. Камолов, Қ. Ўнғарбоев, М. Ғойибназаров ўртоқлар бу йилги мавсумда «зангори кема»лари бункеридан 150—200 тоннадан «оқ олтин» тўкиш мажбуриятини олганлар. Уларнинг сафи янада кенгайиб бормоқда.

Пахтани машиналар билан икки марта териб олганимиздан кейин далаларга кўсак териш агрегатларини олиб чиқамиз. 7 та кўсак териш машинасини ишга шай қилиб қўйганмиз. 8 та кўсак чувиш агрегати ҳам ремонт қилиб бўлинди.

Терим техникасига хизмат кўрсатиш даланинг ўзида амалга оширилади.

Хуллас, машина теримига пахта ҳозирлик кўраётирмиз. Бу йиғим-теримни жадал суръатда олиб бориш ва пахта тайёрлаш йиллик планини 20 иш кунида бажарилишини таъминлаш имконини беради, деган умиддамиз.

ТЕХНИКАДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАМИЗ

М. БЕГАЛИЕВ,
«Ленинизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси

Мамлакатимиз донгдор механизаторларининг сифат ва самарадорлик беш йиллиги тўғриси йилида техникадан унумли фойдаланиш тўғрисидаги даъватлари ва ҳосилнинг ярмидан кўпроғини «зангори кема»ларда териб берадилар. Хўжалигимизда 22 пахта териш машинаси бор. Биз уларнинг иш унумини лоақал 10 тонна дан оширсак, қўшимча 220 тонна пахта терилади. Шунинг учун хўжалигимизда агрегатларнинг иш унумини камида 130—150 тоннага етказишни кўзламоқдамиз.

Пахтакорларимиз йиллик планни узоғи билан 5 октябргача бажаришга қарор қилганлар. Бу кўп жиҳатдан биз механик-ҳайдовчиларга, теримда фидоийлик кўрсатишимизга боғлиқдир. Ҳозир дефолиацияни қулай агротехника муддатларида ва сифатли ўтказиш тараддудини кўрмоқдамиз.

Машина терими группа усулида олиб борилади. Бу ҳам техникадан самарали фойдаланиш имконини беради. Ҳар бир механик-ҳайдовчига ёш механизаторлар биркитилди. Бу машина теримини икки сменада олиб бориш билан бирга моҳир механизаторларимизнинг ёш ҳамкасбларига бой тажрибаларни ўргатиш имконини беради.

ПАХТА КАРВОНЛАРИНИ КУТМОҚДАМИЗ

Э. РАҲИМБЕРДИЕВ,
Янгийўл пахта тозалаш заводининг заводдан ташқари тайёрлов пункти мудири

«Оқ олтин» карвонларининг йўлга чиқишига ҳали вақт бор. Тайёрловчиларимиз эса бугунок пахта қабул қилиб олишга шайлар.

Биз мавсумга тайёргарликни барвақт бошлаган эдик. Слесарларимиз С. Абдурахмонов, М. Андақулов, Қ. Каримов, электромонтёр, А. Қурбоновлар астойдил ғайрат қилиб, 26 та 18 метрли транспортёр ва тележкадаги пахталарни туширувчи 18 та «ПЛ» механизмини сифатли ремонтдан чиқардилар. Қуритиш-тозалаш цехимиз, 2 та автомобиль тарозиси, ёғнидан сақланиш воситалари ҳам мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Пунктимиз коллективи бу йил 15 минг тонна пахта тайёрлаш мажбуриятини олган. 43 бунт майдончаси тайёрланиб қўйилди. Пахтаниш сифатли сақланиши учун бунт майдончаларининг 5000 квадрат-метр сатҳига асфальт ётқизилди.

Тайёрловчиларимиз кунига планнинг 12—15 процентидаги миқдорида пахта қабул қилиб олишга тайёргарлик кўраётирлар. Пахта қабул қилиб олиш техникасининг бетўхтов ишлашини таъминлаш мақсадида малакали мутахассислар тайёрланди. Яқинда пунктнинг мавсумга тайёргарлиги аъло баҳо билан қабул қилинди. Биз пахта карвонларини сабрсизлик билан кутмоқдамиз.

ЖАНГОВАР ВА ҲОЗИРЖАВОБ

КПСС XXV съезди партия ташкилотларининг ишчанлик қобилиятини оширишга катта эътибор беришни даъват этди. Шу жумладан, идеология ишининг муҳим соҳаларидан ҳисобланган кўргазмали агитациянинг мазмунини ошира бориш тўғрисида қимматли тавсиялар берилди.

Меҳнат коллективларини янги меҳнат зафарлари сари отлантиришда кўргазмали агитациянинг роли беқиёсдир. Бу Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу йил апрель ойида қабул қилган «КПСС XXV съезди қарорларини пропаганда қилишда кўргазмали агитациянинг ролини янада кучайтириш тўғрисида» қарорида ҳам алоҳида қайд этилган.

Район партия комитети ҳузуридаги кўргазмали агитацияни ташкил этиш совети ушбу қарорни бажара бериб, бир мунча ибратли ишларни амалга оширмоқда. Райондаги йириқ саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларида ҳам худди шундай советлар ишлаб турибди.

Кўргазмали агитация КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун, 1976 йил халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорини бажаришда айниқса муҳим воситалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Корхона, қурилиш ташкилотлари ва бошқа муассасаларда кўргазмали агитация ишлари туфайли жойларда меҳнат унумдорлиги ошмоқда, маҳсулот сифати яхшиланяпти. Масалан, бир бўни «Маликa» трикотаж бирлашмаси мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Ҳозиржавоб ва жанговар восита туфайли коллектив янгиликлар билан ўз вақтида таништириб борилади. Бутун эътибор олдинда турган вазифаларга, янги марраларга қаратилади.

Йигирувчи Шоира Холмуҳамедова 18 июнда ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муваффақиятли адо этганлиги ҳақидаги хабар бир зумда тарқалди. Бу хушхабар корхонага кираверишдаги кўринарли жойга ёзиб қўйилди. «Чақмоқ» варақасида Шоиранинг йил бошидан бери 12215,8 килограмм ип йигирганлиги ҳақидаги хабар маълум қилинди. Кўпгина илғор йигирувчилар бу хушхабардан руҳланиб, янги марраларни эгаллашга отланишди.

Шоира Холмуҳамедова бирлашмадаги ташаббускор ишчилардан, йил бошида республикамизнинг ўн илғор ишчиси «Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажарамиз» шиори остида ташаббус билан чиққан эдилар. Шоира ана шу ташаббускорларнинг бири бўлди. Бу пешқадам йигирувчининг иш тажрибаси, меҳнат муваффақиятлари кўргазмали агитация воситасида мунтазам кўрсатиб борилди. Сўнгра махсус варақаларда издошларининг ишлари ҳам ёритилди.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам плакатлар тили билан янгидан-янги жанговар вазифалар олдинга сурилмоқда. Айниқса, «Шонли ишлар саҳифаси» варақаси коллектив ўртасида довруг қозонган. Унда ишчи-хизматчилар эришаётган меҳнат зафарлари ёритиб борилади. Варақанинг якиндагина чиққан сонида 1977 йил ҳисобига меҳнат қилаётган ишчилардан В. Сойкин, Г. Шайдулина, Г. Чачус, Г. Холматов, С. Абдурахмонов каби илғорларнинг номи тилга олинди ва улардан ўрнак олишга чақирилди.

Умуман, социалистик мусобақа илғорлари ва уларнинг ишлари саҳифадан тез-тез ўрин олиб турибди. «Шонли ишлар саҳифаси»нинг бир сони ёшлар меҳнатига бағишланди. Унда 1-цех токари В. Медведев, 2-цех слесари М. Тродт 4-цех токари А. Фромларнинг илҳомбахш режалари билан таништирилди.

Районимиздаги кўпгина корхоналар, шу жумладан, Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув бирлашмаси, давлат лойиҳалаш-конструкторлик-технологик бюроси, «Узбекэнергоремонт» ва бошқа ташкилотларда ҳам кўргазмали агитация меҳнаткашларни социалистик мажбуриятни бажарищ, шунингдек янги зафарлар сари отлантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Район партия комитетининг кўргазмали агитация совети жойлардаги илғор тажрибаларни кенг оммалаштирмоқда.

КПСС XXV съезди қарорларини пропаганда қилишда панно, плакат, шиорлардан ҳам кенг фойдаланмоқдамиз. Айниқса Узбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, Энгельс кўчасида, Юнусобод массивидаги комсомолга бағишланган кўргазмали агитация кўпчилик эътиборини тортади. Бундан ташқари, Узбекистон пахтакорларининг меҳнати, халқлар дўстлиги, ҳарбий-ватанпарварлик темасига бағишланган панно, шиорлар районимизнинг кенг проспект ва кўчаларига ҳусн беради.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, айрим ташкилотларда идеология ишининг бу муҳим участкасига етарли эътибор берилмаяпти. Баъзи жойларда байрамлар, тантанали кунларга бағишлаб ёзилган шиорлар муддати ўтиб кетганига қарамай жойида тураверади ва ҳоказо.

Ҳозир республикамизда кўргазмали агитацияга катта эътибор берилмоқда. Биз кўргазмали агитациянинг мазмунан чуқур, жанговар ва ҳозиржавоб бўлишини таъминлашимиз, КПСС XXV съезди қарорларини пропаганда қилишда кўргазмали агитациянинг турли формаларидан кенг фойдаланишимиз даркор.

А. МАҲСУМОВ,
Киров район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Тошкентдаги 243-самолёт ремонти заводи мамлакат граждан авиациясига қараши турдош корхоналарнинг илғорларидан ҳисобланади. Бу ерда машҳур «ИЛ—62» ҳаво лайнерларини ремонт қилиш ҳам йўлга қўйилган. Бундан ташқари тажрибали мутахассислар коллективи СЭВ аъзолари бўлган мамлакатларнинг самолётларини ҳам ремонтдан чиқариб бермоқда. Суратда: завод цехларининг бирида.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

ЯНА БИР ШИФОБАХШ МАРКАЗ

Кейинги йилларда серқуёш республикамизда медицина фани ривож топди. Даволашнинг янги илғор усуллари жорий қилинди. Медицинанинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган кардиология бўлимида бир қатор янгиликлар қўлга киритилди.

Эндиликда муолажанинг бу йўналишида муҳим тадқиқотлар олиб бориш учун мустаҳкам илмий база яратиш имкони туғилди. Шу туфайли Тошкентда кардиология илмий-текшириш институтини очишга қарор қилинди.

Мазкур илмий марказ ўз фаолиятини кенг кўламда олиб боради. Юрак, қон-томир касалликлари муолажаси билан боғлиқ муаммолар институт тадқиқотлари программасидан асосий ўрин олади. Бу хил касалликларга қарши кураш олиб боришда ҳам катта фаолият кўрсатилади.

Янги даволаш маркази Тошкент Давлат медицина институти базасида иш бошламоқда. Ҳозирча у олий ўқув юртининг кардиология кафедрасига бирлашган ҳолда иш кўради. Кейинчалик мустақил илмий муассаса сифатида республикамиздаги йирик кардиологик марказга айланади.

Медицина соҳасида республикамизда ўн бешинчи тадқиқот ўчоғи ҳисобланган мазкур марказни ташкил этишга уюшқоқлик билан киришилди. Тажрибали мутахассисларни жалб этиш мақсадида лавозимлар бўйича конкурс эълон қилинди.

Юрак, қон-томир касалликларини Ўрта Осиё иқлими шароитида даволаш ўзига хос илмий ва амалий тавсияларни тақозо этади. Шу билан бирга қатор тажрибалар олиб боришга тўғри келади. Ана шулар ҳисобга олинган ҳолда мустаҳкам даволаш базаси яратилади.

Илмий муассаса ўзининг алоҳида стационари ва лабораторияларига эга бўлади. Бу тажриба марказлари Тошкент Давлат медицина институтининг республика клиник касалхонасида ишлаб туради. Бу ерда 300 ўринли стационар учун ҳам жой ажратилади.

Йирик илмий даргоҳнинг ташкил топиши билан кардиологик даволаш ишларини марказлаштириш имкони туғилди. Республикамизда бу борада илмий-тажрибалар олиб бораётган махсус лабораториялар, медицина олий ўқув юртлари кафедралари тажрибалари ана шу ерда умумлаштирилади. Бу эса медицина фанининг бу йўналишида йўл қўйиб келинаётган камчиликларга, параллелизмга чек қўйиш имконини беради.

Янги институт Ўрта Осиё республикаларидаги энг йирик кардиологик даргоҳга айланади.

А. АКБАРОВ.

«ПРИВОЛЬЖСКИЙ» СОВХОЗИ УЧУН

«СРЕДАЗГИПРОВОДХЛОПОК»нинг Тошкент институти Иваново областидаги «Привольжский» совхози учун инженерлик-техникавий қидиришларни тамомлади. Ўнинчи беш йиллиқда тошкентлик мутахассисларнинг ёрдами билан бу ерда 7 минг гектар майдонда аграр-саноат комплекси барпо этилади. Бу комплекс сугориладиган яйловлар ва мелиорация қилинадиган далалар, сув омбори, қорамоллар ва майда шоҳли молларнинг фермаларини, йўлларни, уй-жой посёлкасини ўз ичига олади. Ботқоқликни қуритиб, ернинг рельефини ўзгартириш мўлжалланган. Совхоз орадан бир неча йил ўтгач, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштира олади. Бу маҳсулотларни етиштиришга ёмғир ҳам, қурғоқчилик ҳам таъсир қилмайди.

(ЎзТАГ).

Янги машиналар

Тошкент областининг канопзорларида «ЛО-1» маркали янги конструкциялардаги икки юзта машина ҳосилни йиғиштириб олишга киришди. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институтининг экспериментал заводида тайёрланган бу машиналар бундан илгари чиқарилган машиналардан канопояларини даланинг ўзида технологик ишлаш жараёни ва юксак унумдорлиги—бир соат ичида бир тонна кўк канап поясини йиғиштириб олиш билан фарқ қилади.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида хўжаликларга «ЛО-1» маркали агрегатлардан тағин 400 тасини етказиб бериш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

МИНГ РАҲМАТ, УСТА

Тушликка чиқиш олдидан устахона бошлиғи ишчиларга мурожаат қилди:

Беш минутлик мажлис. Шу ернинг ўзида ўтказиб қўяқоламиз.

Ишчилар даврa ясашди.

— Вақтингизни кўп олмайман, — ишчиларга мурожаат қилди,— бошлиғи, —устахонамиз адресига мактуб келиптик. Шуни ўқиб бераман холос.

— Қани ўқийқолинг, —қистади кимдир.

— Қадрли ўртоқлар! —овозини бироз баландлатиб ўқий бошлади бошлиқ,— Мен ёруғ дунёни кўролмай қолган эдим. Меҳрибон шифокорлар қўлида дардимга даво топдим. Лекин аниқ кўролмасдим, кўзим ҳира эди. Врачлар тавсияси билан кўзойнак тақа бошладим. Ҳозир аввалгидек ҳамма нарсаларни равшан кўряпман. Шифокорлар бир қувонч хадя этишган бўлса, сизлар менга иккинчи қувонч бердингиз. Сизлар ясаган кўзойнакларни жаррохнинг қўлидаги шифокор асбоби билан тенглагим келади. Минг раҳмат сизларга! Ишларингизда муваффақият тилаб:

Пенсионер ҲАЙДАРОВ.

Бу сизларнинг меҳнатингизга берилган баҳо, ҳамиша ана шундай миннатдорчилик сўзларини эшитайлик, — деди бошлиқ хатни конвертга солар экан.

Ишчилар мамнун кулишиб, бир-бирларига алланималарни мақуллашиб ошхона томон йўл олишди. Булар орасида устахона ветеранларидан бири эллик ёшларга бориб қолган Омонулла Абдумажидов ҳам бор эди. Кекса уста ҳозиргина бошлиқ хурсанд бўлиб ўқиган миннатдорчилик сўзларида унинг ҳам ҳиссаси борлигидан мамнун эди.

Омонулла Абдумажидов ўттиз йилдирки Ўрта Осиё темир йўли бошқармасига қарашли оптик устахонада ишлаб келмоқда Улуғ Ватан урушида қатнашиб, хизмат бурчини ўтаб бўлгач шу ерга шогирд бўлиб келди. 1949 йили Ленинградда бир йил тажриба орттириб қайтди. Шундан бери қадрдон корхонада. Неча минглаб кўзойнаклар ясади, неча минг одамларга қувонч хадя этди.

Омонулла ака меҳнат фаолиятида қирқдан ортиқ шогирдлар етишдирди. Кекса уста ўз меҳнатидан эл манфаат кўраётганлигидан, кишиларга ёруғ дунёни кўришга ҳисса қўшаётганидан хурсанд.

А. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

НОҚОРАТУПРОҚ ЗОНА УЧУН ТЕХНИКА

Ўзбекистоннинг Иваново областидаги вакиллари «Ивановопрстрой» трести бўлинмалари учун автомобиль базасининг биринчи навбатини фойдаланишга топширдилар. Бу ерда автомашиналар учун майдончалар, автомобилларни ювадиган жой, устахоналар ишга туширишди.

«Средазирсовхозстрой» бу ерга 330 та кучли самосвал, юк машиналарини жўнатди. Бу машиналар «Узбекистон», «Дўстлик» совхозлари посёлкаларини барпо этаётган қурилиш участкаларига, шунингдек янги ерларни ўзлаштираётган ирригаторларга хизмат кўрсатади.

КАДРЛАРНИНГ ҒОЯВИЙ ЧИНИҚИШИ

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси Иван Михайлович Басанец янги ўқув йилида ўз партиявий билимини ошириш соҳасида олга қараб муайян қадам қўйишини билади. Марксизм-ленинизм асослари мактабида ўтказилган машғулотлар аллақачон тугади. Тажрибали пропагандист М. И. Лопатников раҳбарлигида КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, фалсафа, илмий коммунизм юзасидан у пухта билимларга эга бўлди. Энди эса Басанец партия ташкилотининг маслаҳатига мувофиқ назарий семинарда ўқий бошлайди. Семинар программасида КПСС XXV съезди материалларини, партия ташқи сиёсатининг актуал проблемаларини чуқур ўрганиш кўзда тутилган.

Бирлашмадаги кўпгина коммунистлар ва партиясиз активлар ўзлари учун ғоявий чиниқиш формаларини аллақачон танлаб олдилар. Самолётсозлар янги ўқув йилига тайёрлана туриб, партия йиғилишларида КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съезди қарорлари асосида партия ўқувининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини ҳар томонлама муҳокама қилганликлари коммунистлар ва партиясиз активларга ёрдам берди. Ана шу муҳим ҳужжатдан келиб чиқадиган хулосалар партия маориф системасидаги мактаблар ва семинарларга тингловчилар жалб этган чоғда ҳам ҳисобга олинди. Ҳозир бу иш ниҳоясига етай деб қолди.

Бирлашмада марксизм-ленинизм асослари мактабларидаги тингловчилар сони кўпайиб бормоқда. Ана шу мактабларда шунингдек бошланғич сиёсий мактабларда КПСС XXV съезди материалларини ўрганиш юзасидан маҳсус курс жорий этилмоқда. Олий бўғиндаги семинарлар кўпроқ бўлади. Етакчи ишчилар ва инженер-техник ходимлардан юзлаб киши назарий семинарларда партия XXV съезди ўртага қўйган проблемаларни ўрганиш истагини билдирди. Кўпгина цех бошлиқлари ва бошқа мутахассислар раҳбар ходимлар учун партия комитети ҳузурида тузилган проблемали семинарларда ўқишни давом эттирадилар.

Яхши назарий тайёргарликка эга бўлган кўпгина сиёсий мактаблар ва семинарлар ўз сиёсий билимини шахсий планлар асосида такомиллаштиришга қарор қилдилар. Уларнинг баъзи бирлари танлаган мавзулар юзасидан рефератлар тайёрлаш ниятидадир. Партия комитети ана шу ўртоқларга ёрдам бериш учун малакали консультантлар ажратади. Марксизм-ленинизм назарияси проблемаларини мустақил ўрганишга қарор берган коммунистлар билан ўқтин-ўқтин илмий конференция ва суҳбатлар ўтказиб туриш кўзда тутилади.

Бирлашма партия комитети ҳузурида ишлаб турган сиёсий маориф кабинети янги ўқув йилига фаол тайёргарлик кўрмоқда. Пропагандистлар билан машғулотлар ўтказиш программаси ишлаб чиқилди. Янги ўқув йилида энг яхши пропагандистларнинг тажрибаси умумлаштирилади.

(ЎзТАГ).

КПСС XXV СЪЕЗДИ: РЕВОЛЮЦИОН НАЗАРИЯНИНГ ИЖОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

КПСС XXV съездида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев қилган Ҳисобот докладида аввало шу нарса таъкидландики, ҳозирги давр туб социал ўзгаришлар билан характерланади.

Жаҳон социалистик системасининг позициялари мустаҳкамланиб ва кенгайиб бормоқда. Миллий озодлик кураши натижасида мустақилликка эришган мамлакатлар олдида янгидан-янги уфқлар очилмоқда. Меҳнаткашларнинг монополиялар ва зулмига қарши синфий кураши ўсиб бормоқда, антиимпериалистик ҳаракат тобора кенг миқёс касб этмоқда. Тарихий воқеаларнинг бутун бориши социализм битмас-туганмас кучларга эгалиги ва инсоният эндиликда тараққиётнинг янги, ниҳоятда порлоқ имкониятлар олиб келувчи босқичига ўтганлиги тўғрисидаги В. И. Ленининг башоратини тасдиқлаб турибди.

Социализм мамлакатларининг ривожланиши, улар кудратининг ўсиши, улар ўтказаётган халқаро сиёсат ижобий таъсирининг кучайиши, ана шулар эндиликда инсоният социал тараққиётининг асосий йўналиши бўлиб қолганлиги ҳар қачонгидан ҳам ойдинлашмоқда. Капитализм янги шароитларга мослашиш учун ҳар қанча уринаётганлигига қарамай чуқур кризисни бошидан кечирмоқда. Бу кризис эски жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва ғоявий ҳаёти ҳамма томонларини ўз ичига олмоқда.

Капиталистик система зиддиятларининг кескинлашуви, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, оммавий ишсизликнинг ўсиши ва қимматчиликнинг авж олиши, валюта, энергетика, ҳомашё кризислари буржуа назариётчиларининг «ялпи роҳат—фароғат жамияти», «ижтимоий партнёрликнинг ҳам тенг имкониятлари» деб аталган жамият тўғрисидаги ҳар хил даъволарини пучга чиқармоқда. Пихи қайрилган инглиз тарихчиси Арнольд Тойнби эътироф этишича, ғарб цивилизацияси тезлик билан ва кескин «ўзгариш ясамас» экан ялписига ҳалокатга учраши мумкин.

Бироқ, коммунистлар капитализм «ўзўзидан ҳалок бўлади» деб башорат қилмоқчи эмаслар, асло. Капитализмнинг ҳали анча-мунча резервлари ва бир қатор жойларда революцион тазйиққа қарши туриш имкониятлари бор. Лекин жаҳондаги воқеалар энг янги, монополистик капитализм чириб бораётган, ҳалокатга учраётган капитализмдир, деб Ленин томонидан чиқарилган хулосани тобора яққолроқ тасдиқлаб турибди.

Ҳамма жойда реакцияга, зулмга қарши, янги бирмунча адолатли ижтимоий тузум учун кураш авж олиб бормоқда. Португалияда революция бўлди, Греция ҳарбий-фашистик ҳукумат қулади, Испанияда Франко режими зил кетди. Қаҳрамон Вьетнам халқи реакциянинг ички ва ташқи кучлари устидан буюк ғалабага эришди. Лаос, Камбоджа, Мозамбик, Анголa халқларининг озодлик ҳаракати ғалаба билан тугади.

Ҳозирги революцион жараёнларни марксистик таҳлил этиш КПСС XXV съездига бу жараёнларни янада ривожлантиришнинг энг эҳтиёжи тутилган йўллари тўғрисида хулоса чиқариш имконини берди. Бу жараёнлар тенденциялари ва имкониятларини тўғри тушуниш учун Португалия ва Чили революцияларининг сабоқларини таҳлил этиш катта аҳамиятга эга. КПСС XXV съездида худди ана шундай анализ қилинди.

Португалия революцияси ҳозирги замондаги сўнгги фашистик режимлардан бирини тугатди, мустамлака империясининг йўқолишига олиб келди. Бу революция социал янгиланишнинг кудратли воситаси бўлди. У халқ ичида ширинниб ётган улкан кучларни ҳалос этди. «Борди-ю, ҳозирги кунда, — деб таъкидлади Л. И. Брежнев Ҳисобот докладида, — антифашист революциялар туфайли юзага келган сиёсий кучларнинг бир-бири билан қўшилиб кетиши ҳали ранг-баранг, баъзан зиддиятли манзарани касб этаётган бўлса-да, лекин шу нарса мутлақо равшанки, Португалия халқи мамлакатда демократик тараққиётнинг мустаҳкам асосларини яратиш, социал тараққиёт учун курашмоқда».

Революцион жараён йўлида ҳали кўпгина қийинчиликлар ва хавфлар турганлигини ҳам етарли баҳоламай бўлмайди, албатта. Халқаро реакция Португалиядаги ички реакцион кучларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, революцияга қарши турли хил тазйиқ, дағдаға ва ғояларни ишга солмоқда, португал халқига ўзи танлаб олган йўлдан боришга ҳалақит беришга уринмоқда. Португалиянинг ички ишларига бирон бир даражада аралашишга йўл қўймаслик — барча революцион ва прогрессив кучларнинг тўғридан-тўғри бурчидир.

КПСС XXV съездига Марказий Комитетнинг Ҳисобот докладида Чили революцияси сабоқларига ҳам марксистик баҳо берилди. Бу революция меҳнаткашлар оммасининг ўз буржуазияси ва чет эл монополиялари зулми ҳамда эксплуатациясидан халос бўлишга астойдил интилганлигининг ёркин ифодаси бўлди. Бу революция меҳнаткашлар кенг оммасини янги ҳаёт қуришга кўтарди, прогрессив демократик реформаларни амалга ошира бошлади. Лекин Чили реакциясининг чет эл империализми томонидан планлаштирилган ва пул билан таъминланган фитнаси революцияни ғафлатда қолдирди, ҳарбий-фашистик хунта ҳокимиятни қўлга олиб, мамлакатни чили халқининг энг яхши ўғил ва қизлари қонига белади. Чililiklarнинг революция ғалабаларига қаттиқ зарба берилди, лекин халқ курашни тўхтагани йўқ.

Чили революциясининг вақтинча мағлубияти унинг тарихий хизматларини, унинг тажрибасининг аҳамиятини камайтира олмайди. Бу тажриба озодлик ва социализм иши учун, барча курашчилар учун катта аҳамиятга эгадир. Бу мағлубият марксчи-ленинчи партияларнинг ҳокимиятни турли йўллар билан қўлга олиш тўғрисидаги, шу жумладан, агар бунинг учун зарур шароит мавжуд бўлса, тинч йўл билан қўлга киритиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосасини рад эта олмайди.

Шу билан бирга Чили фожиси революция ўз-ўзини ҳимоя қила олиши лозимлиги тўғрисидаги марксча-ленинча қоидани яна бир бор исботлади. Ички ва халқаро реакциянинг кирдикорларига қарши хушёр бўлиб туриш, озодлик ва тараққиёт йўлига ўтиб олаётган барча кишилар билан пролетар бирдамлигини кучайтириш — халқ революцион ғалабаларини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашнинг зарур шартидир.

Сўнгги йиллардаги революцион ҳаракат тажрибаси асосида КПСС XXV съезди яна бир муҳим хулосани чиқарди: монополистик капиталнийг ва унинг сиёсий малайларининг ҳукмронлиги реал ҳавф остида қолган жойда империализм ҳар қандай жиноятлардан қайтмайди, демократия ва қонунчиликнинг ҳар қандай кўринишларини улоқтирб ташлайди, бошқа мамлакатларнинг давлат суверенитетини поймол қилишга тайёрдир. Озодлик ва тараққиёт иши барча революцион антиимпериалистик кучлар сафарбар этилишини, уларнинг контрреволюцияга қарши қатъий зарба беришга шай туришини талаб этади. Контрреволюция ҳамма вақт халқаро империалистик реакция билан иттифоқ бўлиб иш тутади.

Капитал мамлакатларида Коммунистик партиялар халқ оммаси манфаатларининг собитқадам ҳимоячилари ҳисобланади. Улар обрўси ва таъсирининг ўсганлиги КПСС XXV съездида таъкидланганидек, давримизнинг муҳим характерли белгиларидан бири бўлди. Буни шу факт ҳам кўрсатиб турибдики, коммунистик партиялар деярли 1 миллион киши, шу жумладан Ғарбий Европада қарийб 400 минг кишига кўпайди. Парламентларга ва маҳаллий органларга сайловларда коммунистлар унчалик овоз берувчи сайловчиларнинг сони анча ортди. Кенг омма шунга тобора ишонч ҳосил қилмоқдаки, коммунистлар улар манфаатларининг собитқадам ифодачиси ва ҳимоячиси бўлиб чиқмоқдалар, ўз қўлларида демократия ва социализм байроғини маҳкам тутиб турибдилар, халқ бахти учун фидокорона курашмоқдалар.

Коммунистик партияларнинг кучи — марксизм-ленинизм назариясига садоқатида, уларнинг пролетар интернационализми бузилмас принципларига атрофида жипслашганидадир. Турли мамлакатлар коммунистлари ўртасида албатта баъзан қарашларда, у ёки бу масалага ёндошишда тафовут пайдо бўлиши мумкин. Лекин улар ўз сафларининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш тўғрисида қайғуриб, барча проблемаларни ўртоқларча бирдамлик руҳида, тенг ҳуқуқлилик, бир-бирини ҳурмат қилиш ва ҳар бир партиянинг мустақиллиги негизида муҳокама қиладилар ва ҳал этадилар. Коммунистик идеологияга зид бўлган қарашлар ва ҳаракатлар билан, марксча-ленинча таълимотдан чекиниш ҳоллари билан муроса қилиш ёки уларга ён босиш асло мумкин эмас.

Коммунистлар биладиларки, революцион жараённинг ривожланиши, янги жамиятнинг барпо этилиши қатор муштарак қонуниятларга асосланади. Бу қонуниятлар марксизм-ленинизм таълимотида ўз ифодасини топган ва практикада тасдиқланган. Уларни чуқур тушуниш, уларга таяниш билан биргa ҳар бир муайян мамлакатда конкрет шароитларга ижодий ёндошиш ва уларни ҳисобга олиш марксчи-ленинчилар фаолиятининг ажралмас хусусияти бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

КПСС XXV съезди пролетар интернационализмининг алоҳида аҳамиятини таъкидлади, эски дунёнинг реакцион кучлари халқаро миқёсда ўз антикоммунистик ҳаракатларини фаол суръатда мувофиқлаштириб турганлигини эслатиб ўтди. Пролетар интернационализмига миллатчилик ва шовинизмни қарама-қарши қўйиб, империализм идеологлари бу билан жаҳон социализми кучларини, коммунистик ва ишчилар ҳаракатини заифлаштиришга уринмоқдалар.

Бундай шароитда пролетар интернационализмига нисбатан қилинаётган ҳар қандай ҳужумларга кескин зарба бериш муҳимдир. Пролетар интернационализми принципларини унутиш, барча революцион отрядларнинг қардошларча ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамидан воз кечиш синфий душман олдида қуролсизланиш бўлур эди.

Совет коммунистлари чет эллардаги ўртоқлари ва коммунизм иши учун курашдаги маслакдошларига, меҳнаткашлар манфаати учун барча курашчиларга нисбатан қизғин меҳр-муҳаббат ва бирдамлик ҳиссиётларини изҳор этдилар. Улар нокоммунистик прогрессив партиялар билан — революцион-демократик, шунингдек, сўл социалистик партиялар билан алоқаларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш ниятидадирлар. Бу партиялар тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги иши учун ўз масъулиятларини ҳис этадилар, қуролланиш пойгасини тўхтатишга интиладилар, иркчилик ва мустамлакачиликнинг душманлари ҳисобланадилар.

КПСС XXV съезди халқаро кескинликнинг юмшатилиши синфий курашга қандай таъсир ўтказаётганлиги масаласини ҳам анализ қилиб берди. Кескинликнинг юмшатилиши ва турли ижтимоий системадаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши синфий курашнинг тўхтатилишига олиб келмайди. Улар турли мамлакатлар ўртасидаги мусобақабат соҳасигагина таллуқлидир. Бу—мамлакатлар ўртасидаги баҳс ва низолар уруш, куч ишлатиш ёки куч билан дўқ-пўписа қилиш йўли билан ҳал қилинмаслиги кераклигини белгиради. Бироқ, кескинликнинг юмшатилиши синфий кураш қонунларини асло бекор қила олмайди, синфий курашни капиталистик ишлаб чиқариш мусобақатлари системасининг ўзи келтириб чиқаради. Кескинликнинг юмшатилиши шароитида ҳам эксплуатация ва монополиялар зулми билан кураш давом этади. Кескинликнинг юмшатилиши бундай кураш олиб боришнинг бир мунча қулай имкониятларини вужудга келтиради.

Экстремист «сўлчи»ларнинг гўё тинч-тотув яшаш оз бўлмаса капитализмга ёрдам, бу социал-сиёсий статусвони сақлаб қолиш деган маънони билдиради, деган даъволари ўринсиздир. Ҳар қандай революция энг аввало у ё бу мамлакатдаги ички синфий зиддиятлар, уларнинг кескинлашув даражаси билан, вужудга келган алоҳида вазият билан содир бўлади. Революциялар экспорт қилинмайди, улар буржуазия жамиятининг ўз ичидаги синфлар кураши ривожланаборган сайин етилиб боради.

Кейинги йилларда тинч-тотув яшаш принципларининг қарор топиши шароитида юз берган революцион ўзгаришлар синфий кураш ва унинг манбалари тўғрисидаги, революцион жараённинг ривожланиш қонунлари тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотни яққол тасдиқлан ўтказди.

Келажак тинчлик, тараққиёт ва социализм кучлариники, коммунистлар бунга аминдирлар.

С. ТИТАРЕНКО,
тарих фанлари доктори, [АПН].

МЕЛИОРАЦИЯ ВА ДЕҲҚОНЧИЛИК

Мамлакатимизда чўлларни ўзлаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш борасида улкан мелиоратив ишлар олиб борилмоқда.

Тўқкизинчи беш йилликнинг ўзида республикамизда ярим миллион қўриқ ер ўзлаштирилиб, фойдаланишга топширилди. Тахиатош, Оқдарё, гидроузеллари, Қарши магистрали, Аму-Бухоро каналининг иккинчи навбати ҳамда Катта Наманган канали ва бошқа сув хўжалик объектлари қурилди. Бундан ташқари, кўплаб магистраль-коллектор ва дренаж системалари, Андижон, Туямўйин, Тилламаржон сув омборлари бунёд этилди.

Пойтахт областимиз территориясидан оқиб ўтадиган Ангрен ва Чирчиқ дарёлари ва «Тошкент денгизи», Чирчиқ ҳавзаси каби сув омборлари, Чорвоқ ГЭСи тўғонида тўпланган сувлар деярли барча районларни, айниқса Бўстонлиқ ва Юқори Чирчиқ, Оҳангарон ва Ўрта Чирчиқ, Пискент ва Қуйи Чирчиқ районларини оби-ҳаёт билан таъминлаб турибди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси республика ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгашининг тавсиясига кўра, оби-ҳаёт мўл-кўллигини таъминлаш учун икки проблемани кечиктирмай амалга ошириш зарур.

Биринчиси — каналларга бетон ётқизиш, катта ва кичик гидротехник иншоотлар қуриш, сувни расамади билан сарфлаш, сув омборларини қуриш, ер ости ва дренаж, ташлама сувлардан фойдаланиш коэффициентини ошириш бўйича бир қатор тадбирлар белгиланиши планли равишда амалга оширилиши лозим. Иккинчидан, Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга оқизиш бўйича илмий-тадқиқот ва лойиҳа ишларини тезлаштириб, яқин йилларда қурилиш ишларини бошлаб юбориш мўлжалланмоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мелиорация ишларини янада жадаллаштиришга бағишлаб қабул қилган қарорида бу масалаларга алоҳида эътибор берилди.

Бу улкан тадбирни амалга ошириш — узунлиги 3 минг километрга яқин бўлган Сибирь—Қозоғистон — Ўрта Осиё канали қурилиши нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги аён. Шу канал шарофати билан қақраб ётган миллионлаб гектар ерлар оби-ҳаётга қонади. Бу, янгидан ўзлаштириладиган районларни ишчи кучи билан тўла таъминлаш имконини беради.

Лойиҳага кўра, шимолдаги Обь, Енисей, Иртиш дарёлари сувларининг бир қисми Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Чу, Сарисув дарёларига келиб қуйилади. Сибирь дарёларининг сувидан Қорақум канали ҳам баҳра олади.

Мамлакатимизда ҳозирнинг ўзида Катта Фарғона канали, Шимолий Крим ва бошқа каналлар қуриб битказилди. Қорақум каналининг 800 километрлик қисми ишга тушди. Днепр-Домбасс, Катта Ставрополь, Волга-Урал каналлари қурилиб битказилмоқда. Хуллас, Сибирь дарёлари сувини Ўрта Осиё ва Қозоғистон экин майдонларига буриш ишлари авжида.

Гидротехник иншоотларни барпо этиш бўйича мамлакатимиз дунёда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Биргина Норак сув омбори тўғони 310 метр бўлиб, юз қаватли бинодан ҳам баланддир. Барпо этилаётган Қорақум каналининг узунлиги минг километрдан ҳам ошади. Дунёда энг йирик бўлган Братск сув омбори ўзида 169 куб километр сув тўплайди.

Республикамизда ер ости сувларидан халқ хўжалигида янада кенг фойдаланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилапти. Гидрогеологларимизнинг узоқ

Мутахассис мулоҳазалари

вақт олиб борган тадқиқотлари натижасида Ўзбекистон заминидаги ер ости сувининг умумий ҳажми ҳисоблаб чиқилди. Ер ости сувларини тадқиқ қилиш соҳасида Ўзбекистон геология министрлигига қарашли «Ўзбекстрогеология» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва геология-минерология фанлари доктори Н. Ҳожибоев раҳбарлик қилаётган гидрогеология ва инженерлик геологияси институти ходимлари самарали ишламоқдалар.

Аммо, шу нарсани ҳам эслатиб ўтиш керакки, сув ресурсларини тежаб ва аниқ мақсадларга сарфлаш масаласи бутун амалий фаолиятимизнинг мезони бўлиши, асосий эътибор ичимлик сувнинг асосий манбаи — ер ости чучук сув запасларидан тўғри фойдаланишга қаратилмоғи лозим. Баъзи кишилар, ҳатто ер ости сувлари бўйича баъзи мутахассислар ҳам, ер ости сувларининг «улкан» келажаги ҳақида кўп гапириб, янглиш фикр юритмоқдалар. Ўзбекистон ССР геология министри, Ленин мукофоти лауреати Ҳ. Тўлагановнинг фикрича, ер ости сувларини суғоришнинг қўшимча манба, деб ҳисоблаш керак эмас, чунки қишлоқ хўжалиги талаб қилаётган миқдордаги сувни донмий равишда ер остидан тортиб олиш территориянинг сув режими тартибини тубдан ўзгартириб, ер юзасида жойлашган суғориш манбаларидаги об-ҳаёт миқдорини кескин камайтириб юборади.

Ўзбекистон ССР геология министрлиги ходимларининг маълумотларига қараганда, ҳозирги пайтда аҳолини сифатли сув билан таъминлаш мақсадида 11 мингдан кўпроқ эксплуатация қилинадиган қудуқ қазилган бўлиб, улардан секундига 600 куб метргача оби-ҳаёт тортиб олинмоқда. Вегетация даврида секундига 100 куб метр сув чиқариб бера оладиган 4500 та суғориш қудуғи пармаланди. Аммо, шунга қарамай айрим жойларда ер ости сувлари имкониятларидан етарли ва унумли фойдаланилмаётир. Геология министрлигининг маълумотларига кўра, Қорақалпоғистон АССР ва Бухоро областининг кўпгина районларида кейинги йилларда гидрогеологлар томонидан чорва озуқаси етиштириш мумкин бўлган 6 минг гектардан кўпроқ майдонни суғориш имконини берадиган 18 та участкадаги ер ости сувлари разведка қилинди ва ҳисобга олинди. Лекин, ҳозиргача улардан бор-йўғи 6 та участкагина ўзлаштирилган, холос. Демак, қолган 12 та участкадаги қимматбаҳо ер ости сувлари беҳуда сарфланмоқда.

Бу ва бошқа бир-қанча шароитларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР геология министрлиги хўжалик мақсадларида ишлатиш ва ичиш учун ҳозир ва келажакда зарур бўладиган сув миқдорини ҳисобга олган ҳолда, ер ости ва устидаги сувлардан фойдаланиш комплекс схемасининг махсус лойиҳавий счимларини тайёрламасдан туриб, суғориш қудуқлари тармоғини тўхтовсиз кенгайтириш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобламоқдалар.

Сув бор жойда ҳаёт бор. Сув—табиатнинг инсонга инъом этган энг катта бойлиги. Шунинг учун ҳам сув —ажойиб ҳомашё, шифобахш ичимлик, зўр энергия деб бежиз айтилмаган. Лекин, ҳар қандай ер ости маъдан бойликлари — олтину кумуш мису қўрғошин, тошкўмиру нефть ер бағрининг пасталган жойида ва исталган миқдорда учрамаганидек, ер ости сувларининг ҳам чеки-чегараси бор. Шунинг учун ҳам ундан тежабтергаб оқилона фойдаланиш муҳим вазифалардан биридир.

Эркин АЛИЕВ,
геология-минерология фанлари кандидати.

Оққўрғон районн чорва дорлари қишловга мўл-кўл озуқа тайёрлаш юзасидан бошланган социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқдалар. «Озод» колхозн далаларида ҳам қўқпоя учун экилган маккажўҳоридан силос бостиришга кириншлди. Суратда: ўрим пайти.

Х. Аввалов фотосн.

ҚЎШИМЧА МАЖБУРИЯТ

ТОШКЕНТ районидаги «Ленин йўли» колхозининг А. Тожибоев бошлиқ бригадаси йил бошида 62 гектар ерда деҳқончилик қилиб, эл дастурхонига 1500 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб беришга ахд қилган эди.

Оржоникидзе район меҳнаткашларининг ватанпарвлик ташаббусларидан руҳланган бригада аъзолари далаларда тўпланган ҳосил чўпини чамалаб кўриб, ҳар гектар ердан 400 центнердан сабзавот маҳсулотлари ва 150 центнердан картошка ҳосили олишга сўз бердилар. Айни кунларда бригада далаларида йиғим-терим ишлари янада жадаллаштирив юборилган. Қабул пунктларига ҳар куни 10—15 тоннага етказиб маҳсулот топширилмоқда.

Т. ЖУРАЕВ.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Бу кунги учрашув ҳаммага манзур бўлди. Калинин район «XX партсъезд» колхози сабзавоткорлари ҳузурига шифокорлар, юристлар, шоира ва чеварлар, пазанда ҳамда санъаткорлар меҳмон бўлиб келишди.

Тошкентдаги электрон техника заводининг бош врачи Лола Абдураҳмонова юқумли касалликлар ва унинг олдини олиш мавзусида лекция ўқиди. Тошкент шаҳар адвокатлар коллегияси раисининг ўринбосари Забаржад Анорбоева хотин-қизларимизга яратиб берилган енгилликлар, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида гапирди. «Саодат» журналининг бўлим мудири Розия Сайфневанинг қизлар одоби ва аҳлоқи ҳақидаги қизиқарли суҳбати йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Шеърият гулшанига сайр этиб бошлаб берган олима, шоира, Беруний мукофотининг лауреати Музайяна Алавиянинг ўқиган шеърлари гулдирос қарсаклар билан кутиб олинди. Шоиралардан, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ойдин Ҳожиева, «Муштум» журналининг ходими Қутби Носирова ва бошқалар ҳам ўз шеърларидан ўқиб беришди.

Модалар уйи вакилларя намойиш этган ранг-баранг хушбичим кийим-кечаклар барчанинг қизиқишини уйғотиб, эстетик завқ бахш этди.

Йиғилиш сўнгида шаҳар Навоий номидаги маданият уйи бадиий ҳаваскорлари иштирокида дилрабо куй ва қўшиқлар янгради.

Ф. УСМОНОВА.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

ОҲАНГАРОН райони марказида жойлашган саноат-қурилиш материаллари техникумини бу йил 170 га яқин ёш мутахассис муваффақиятли тамомлади.

Билим юртини тугаллаган кадрлар техник-технолог, техник-механик каби ихтисосликларини эгаллашди. Уларнинг аксарияти Бухоро, Нукус, Термиз ва бошқа шаҳарлардаги саноат ҳамда қурилиш корхоналарида ишлаш учун йўлланма олди.

А. КУКИЕВ.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 1-пойафзал фабрикаси маданият саройида санъаткорлар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турилади. Алишер Навоий номли академик катта опера ва балет театрининг бир группа актёрлари иштирокида бўлган «Санъат кечаси»га ҳам кўп киши тўпланди.

Театрнинг кўзга кўринган солистлари С. Беньяминов, Э. Йўлдошев, М. Давидов, О. Кўчликова, А. Бараев ва бошқа санъаткорлар ижросида берилган концерт томошабинларга манзур бўлди.

А. ТАРТАУЛОВ.

ОБЛАСТИМИЗДА кино кўрсатиш хизматини янада яхшилаш мақсадида малака ошириш курси ташкил этилди. Тошкент кино техникумида ишлаб турган бу бир ойлик курсни яқинда 80 киши тамомлади.

Курс машғулотларига колхоз ва совхозларда, район марказларида ишлаб турган киномеханиклар ва уларнинг ёрдамчилари таклиф этилаётир.

О. ҲАМРАЕВ.

ОҚҚЎРҒОН районидаги А. Навоий номли марказий кутубхона фондида ҳозир 26 мингдан ортиқ турли китоблар бор. Шулардан 14,5 мингтаси бадиий адабиётдир.

Кўпгина қишлоқ колхозларда ишлаб турган зиё масканлари бу кутубхонанинг филиаллари ҳисобланади. Марказий кутубхона уларга ҳар томонлама методик ёрдам бераётир. Ҳ. Олимжон номли колхозда ўтказилган китобхонлар конференциясида зиё масканларида тўпланган тажрибалар омма алаштирилди.

Қ. САЙДИНОХУНОВ.

БЎЗСУВ ЖИЛҒАЛАРИ

Ўрозбек Калменов бошлиқ бригада даласига етиб келганимизда кеч кира бошлаган эди.

Пайкал бўйларида помидор тўла яшиклар тахланиб турарди. Ишчилар ишни тугаллаб, эндигина уйларига кетишибди. Аёллар 350 килограммдан помидор теришибди. Қолган ишчиларнинг ўртача терган ҳосили 450 килограммга етибди.

Ҳамма учун норма белгиланган,— деди бригадир.— Ишчилар ҳар соатдан унумли фойдаланиб, нормани барвақт адо этаяптилар. Бир томондан, бу ўзларига ҳам фойда бўлаяпти, вақтдан ютиб, уйдаги юмушларини бажаришяпти. Ҳозир совхознинг барча хўжаликларида иш шундай ташкил этилган.

Бундан тўрт йил муқаддам «Бўзсув» совхози Калинин районида қолоқларнинг қолоғи ҳисобланарди. Даладан мўлжалланган ғуруғ олинмас, сабзавот тайёрлаш топшириқлари бажарилмас, ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сут район даражасидан 1000 килограмм кам эди. Гўшт тайёрлаш қимматга тушарди. Районда бўладиган ҳар бир йиғинда қолоқлар албатта танқид қилинарди.

Буни Аъзам бир неча марта ўз қулоғи билан эшитган эди. Шу боисдан ҳам уни директорликка юборишаётганда олдин оёғи тортмади. Кейин ўйлаб қолди: «Ахир, шу хўжаликни ҳам кимдир илғорлар даражасига кўтариши керак-ку! Қийинчиликнинг бўлиши табиий. Ўтириб қолган хўжаликни тез кўтаришнинг ўзи бўлмайди. Майли, ҳаракат қилганим бўлсин».

Янги директор далаларни айланиб чиқди. Одамлар билан суҳбатлашди. Хўжалик давлатдан қарз бўлгани учун тушаётган даромаднинг ҳам чўғи йўқ эди. Ишчиларнинг маоши паст, боғча, мактаб, тураржойлар қаровсиз ҳолга тушиб қолган эди.

Аъзам Абдувалиев совхоз активларини ўз хонасига тўплади. Шу ерда очиқчасига гап бўлди. Кадрларга вазифалар, участкалар бўлиб берилди. Иллик топшириқни бажариш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Ижро устидан назорат кучайтирилди.

Орадан уч йил ўтди. Совхоз ой сайин қаддини ростлаб, районнинг илғор хўжаликлар сафига кўтарила борди. Ҳар йили 250 минг сўмлик соф даромад олинди. Тўққизинчи беш йиллик якунларига биноан илғор сут соғувчи Қумри Юнусова — Меҳнат Қизил байроқ ордени, звено бошлиғи Карим Ашрапов — III даражали Меҳнат шуҳрати ордени, совхоз директори Аъзам Абдувалиев — «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди.

Ҳозир совхоз хўжалигининг барча тармоқлари комплекс ривожланишда. Ғуруғ етиштириш, сабзавот ҳосили олиш планлари ортиғи билан адо этилмоқда. Ўтган йили ҳар бош соғиш сигирдан 3004 килограммдан сут соғиб олинди. Бу ютуққа

КОММУНИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ишчилар орасида ташкилий-тарбиявий ишларни кучайтириш, самарали ва сифатли ишлашдан моддий манфаатдорликни ошириш туфайли эришилди.

Партиямиз XXV съезди ўз ишини якунлаган дамларда совхоз ишчилари ажойиб ташаббус билан чиқдилар. Улар бир беш йиллиқда икки беш йиллик планни бажаришга қарор қилдилар.

Яқинда совхоз азаматлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили топширигини муддатидан олдин адо этганликлари тўғрисида ғалаба рапорти бердилар. Ҳозир ҳамма бир тану бир жон бўлиб тайёрланаётган ғуруғни 105 тоннага етказишга ҳаракат қилаяпти. Шунда совхоз 1 миллион сўмлик даромад олади. Партком аъзолари Турғун Холмирзаев, Самиддин Муталов, Ўрозбек Калменов, Карим Ашрапов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда йиғиб олинган пиёз, укроп, редиска ғуруғлари тўқ ва салмоқлидир. Помидордан олинаётган ғуруғ ҳар тонна ҳисобига 2,5 килограммни ташкил этмоқда. Бу энг юқори кўрсатгичдир.

Совхоз директорининг бир жойда хотиржам ўтирганини кўрмайсиз. Партком аъзоси сифатида катта жамоат топшириқларини бажараяпти. Совхоз территориясида Папанин номли 49-саккиз йиллик мактаб бор эди. Ота-оналар шу мактабни ўн йилликка айлантиришни илтимос қилиб, парткомга мурожаат қилишди. Партком бу вазифани бажаришни Аъзам Абдувалиевга топширди, чунки ота-оналар кўтарган масала муҳим эди. Саккиз йиллик мактабни тамомлаган ўқувчилар ўқишни давом эттириш мақсадида 10—15 километр йўл босиб, қўшни қишлоқлардаги ўрта мактабларга боришга мажбур бўлар эдилар.

Коммунист А. Абдувалиев вазифанинг жиддийлигини дарров тушуниб етди. Район халқ маорифи бўлими, қурилиш ташкилотлари, лойиҳачилар билан алоқа боғлаб қўшимча корпус қуриш масаласини ҳал этди. Яқинда бинокорлар 784 ўринли янги ўқув корпусини қўлдан чиқардилар. Энди ўқувчилар 49-мактабда ўрта маълумот олиш имконига эга бўлдилар. Бинокорлар совхозда 140 ўринли болалар боғчаси қурилишини ҳам бошлаш арафасида туришибди. Орада яна қанча-қанча уй-жойлар кўкка бўй чўзди, хонадонларнинг ярми табиий газ билан таъминланди, қишлоққа водопровод сувн келтирилди, қатор маданий-маиший, хўжалик бинолари бунёд этилди.

Ҳозир совхоз посёлкасида 2 мингга яқин киши истиқомат қилади. Бўзсув соҳилларн одамлар билан гавжум. Улар катта сувдан оқиб чиқаётган жилғаларни серҳосил экинзорлар томон бурмоқдалар. Директор доимо ишчилар орасида. Улар билан бирга нафас олиб, бирга қадам ташлаяпти.

А. ҚУРБОНОВ,
Тошкент Олий партия мактаби тингловчиси.

Дунё овози
Чет эл хабарлари

АҚШ РЕСПУБЛИКАЧИЛАР ПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИДА

КАНЗАС-СИТИ. (ТАСС). АҚШ республикачилар партиясининг бу ерда бўлаётган миллий съезди делегатларига программа лойиҳаси тақдим этилди. Республикачилар ана шу программа билан шу йил 2 ноябрда ўтказиладиган президент сайловини кутиб оладилар. Бу ҳужжат махсус комиссия томонидан президентликка номзод қилиб кўрсатилиш даъвогарлари — Ж. Форд ва Р. Рейган тарафдорлари ўртасида кескин кураш давом этган бир вазиятда тайёрланди.

Маълумки, Р. Рейган республикачилар партиясидаги ўтакетган ўнг унсурларнинг АҚШ ички ва ташқи сиёсатининг ҳозирги йўлига қарши курашига бошчилик қилган. Вашингтон маъмурияти съезд кўпчилик делегатларининг қўллаб-қувватлашини таъминлаш учун курашда реакцион кучларга ён бериш тактикасини ўтказмоқда. Р. Рейган съезд очилиши арафасида таъкидлаганидек, натижада республикачиларнинг делегатларга таклиф қилган сайлов программаси унинг истаклари ва талабларини акс эттиради. Программа муаллифлари мавжуд жиддий иқтисодий қийинчиликлар социал эҳтиёжлар учун бўладиган ҳаражатларни қисқартириш йўли билан бартараф этилишига шубҳа қолдирмайдилар.

Программа муаллифлари АҚШнинг ҳарбий ҳаражатлари тўғрисидаги бўлимда қуролланиш пойгасини кучайтириш мақсадида ғоят кўп маблағ ажратишни зўр бериб ёқлаб чиқдилар. Улар стратегик қуролларни модернизациялаш программасини давом эттиришни талаб қилмоқдалар.

Муаллифлар Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини тан олдилар. Шу муносабат билан программада 1974 йилги Владивосток битими ҳам Қўшма Штатларнинг, ҳам Совет Иттифоқининг стратегик қуролнинг энг баланд нуқтасини белгилаб берганлиги уқтириб ўтилади. Қуролланишни назорат қилиш тўғрисида бундан буён ҳам музокаралар давом эттирилмоқда. Программа муаллифлари ядро қуролининг ер ости синовларини чеклаш тўғрисида ва тинч мақсадларда ер тагида ядро портлатишлари ҳақидаги шартномалар тузганлигини ташқи сиёсат соҳасидаги муваффақиятлар қаторига киритмоқдалар.

Бу гаплар программа муаллифларининг АҚШнинг ҳарбий қудратини янада кучайтиришга ва ундан Америка ташқи сиёсатининг асосий қуроли сифатида фойдаланишга қаратилган даъвати билан сира ҳам боғланмайди.

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

ДЕҲЛИ, 18 август. (ТАСС). Ҳиндистонда энергетика базасини ривожлантиришнинг кенг программаси амалга оширилмоқда. Бунда мамлакатнинг нефть саноатига алоҳида эътибор берилаётир. Республика ҳукумати энг яқин вақт ичида хўжаликнинг ана шу муҳим тармоғини тўла национализациялаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ҳиндистонда 1975—1976 молия йили мобайнида 8,35 миллион тонна нефть қазиб чиқарилди. Вақоланки, мамлакатнинг бир йилда нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 24 миллион тоннани ташкил этади.

Совет мутахассислари Ҳиндистонга нефть саноатини юксалтиришда катта ёрдам бермоқда. Улар олиб борган қидирув ишлари туфайли Бомбай районида катталкон нефть кони топилди.

Национализациялаш билан бир маҳалда ана шу тармоқни модернизация қилиш юзасидан талбирлар комплекси амалга оширилмоқда — янги-янги машиналар ва асбоб-ускуналар ўзлаштирилмоқда, замонавий корхоналар қурилмоқда, янги нефть конлари қидирилмоқда.

НОХУШ БИТИШУВ

ПАРИЖ, 18 август. (ТАСС). Бугун француз газетхонлари «Франс-суар» газетасининг янги сонини олмадилар. Франциядаги энг кўп нусхада чиқадиган ана шу оқшом газетасининг журналистлари, босмахона ишчилари ва барча хизматчилари забастовка эълон қилдилар. Улар Эрсан газета—нашриёт группасига «Франс-суар» акцияларининг 50 процентини олиш имконини берган битишувга қарши норозилик билдирмоқдалар. Бу битишув «Франс-суар» нашрини Эрсан назоратига ўтказиб қўяди.

Париж демократик матбуотининг ёзишича, «Франс-суар» газетасининг Эрсан монополистик группаси орбитасига қўшилиши — мамлакатдаги оммавий ахборот воситаларини концентрациялаш жараёнидаги янги босқичдир.

Кейинги вақтларда Эрсан монополистик группаси ниҳоятда активлашиб кетди. Ў бир йил бурун «Фигаро» газетасини ўз ихтиёрига олган эди. Эндиликда ўнта кундалик газета, ўн битта миллий ҳафталик ва даврий нашрлар, ўн бешта вилоят ҳафталик газета ва журналлари ана шу группа назоратига олинган.

ПАНАМА ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

ПАНАМА. (ТАСС). Ёзувчининг ўрни —миллий-озодлик учун, империализм ва фашизмга қарши курашнинг олдинги маррасида, деб таъкидлаб ўтишди, ўз ишини тамомлаган Панама ёзувчилари биринчи съезднинг иштирокчилари. Съездга турли сиёсий қарашлар ва адабий оқимларнинг вакиллари бўлган прозаиклар, шоирлар, драматурглар тўпланишди.

Улар мамлакатнинг бутун территориясида суверенитетни қўлга киритиш учун, канал зонаси устидан Америка контроллигига қарши ўз халқининг курашини қўллаб-қувватлаб чиқдилар.

Панама ёзувчилари қабул қилган махсус резолюцияда Чилида маданият арбоблари, чилилик бошқа ватанпарварларга қарши фашист хунтасининг терроридан қаҳр-газабга тўлганликларини изҳор этдилар. Улар Чилида демократик ҳуқуқлар қайта тикланишини, Чили Компартиясининг бош секретари Луис Корвалан ва бошқа сиёсий маҳбусларнинг ҳаммаси озодликка чиқарилишини кескин талаб қилдилар.

Ёзувчиларнинг съездида мамлакат тарихида биринчи марта Панама ёзувчилари иттифоқи тузилди. Бу ватанпарварлик ва антиимпериалистик позицияларда турган адибларни бирлаштирувчи ягона миллий-ижодий ташкилотдир. Ёзувчи ва жамоат арбоби Хорхе Лагуна Навес иттифоқ раиси қилиб сайланди.

ГАБОН БАЙРАМИ

ЯУНДЕ. (ТАСС). Габон Республикаси ўз мустақиллигининг 16 йиллигини нишонламоқда.

«Юньон» газетаси юбилей сонида Габон қишлоқ хўжалиги суст ривожланган, коммуникация тармоқлари деярли бўлмаган, ажойиб тропик ўрмонлари ва сира қўл тегизилмаган фойдали қазилма бойликлари кўп бўлган мамлакат бўлганлигини уқтириб ўтди.

Мустақиллик йиллари мобайнида республикада конлар, шахталар, саноат корхоналари, электростанциялар қурилди. Габон ҳукумати иқтисодий қолоқликни тугатиш проблемаларини унга чет эл хусусий капиталини максимал жалб қилиш йўли билан ҳал этишга уриниб кўрди.

Бироқ мамлакатга ажнабий капитал кириб боришининг салбий оқибатлари тобора равшан намоён бўлмоқда.

Экономика, молия ва давлат корхоналари ишлари министри Ж. Окиндапинг айтишича, экономиканинг ривожланиши тартибсиз тарзда рўй бермоқда, унда ажнабий капитализм тўлатўкис хўжайинлик қилмоқда.

Габон ўз мустақиллигини мустаҳкамлашга интилиб, сўнгги йилларда Ғарб давлатлари билан бир томонлама алоқалардан воз кечиб, бир қанча социалистик давлатлар билан, шу жумладан Совет Иттифоқи билан дипломатия муносабатлари ўрнатди.

ЎНГЛАР КЕСКИНЛИКНИ КУЧАЙТИРМОҚДАЛАР

БАЙРУТ. 18 август. (ТАСС). Ўтган кунларда Ливаннинг тоғли қисмида ғоят шиддатли жанглар бўлди. У ерда миллий-ватанпарвар кучлар ва Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракати отрядлари ўнг христиан кучларнинг шиддатли ҳужумларини муваффақиятли суратда даф қилдилар. Ҳар икки томон жангларда оғир артиллерия ва миномётлардан кенг фойдаланмоқда.

Байрутда ҳам қуролли тўқнашувлар кучайди.

Ливиянинг бу ерга келган махсус вакили, ташқи ишлар министрининг ўринбосари Абу Зейд Дорда Ливан миллий-ватанпарвар кучларининг раҳбарлиги билан учрашди. Зейд Дорда бундай деди: менинг мамлакатим Ливандаги тараққийпарвар кучларга ва Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатига зарба бериш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши чиқади.

ПАРИЖ, 18 август. (ТАСС). Франция Коммунистик матбуоти Сурия қўшинларининг Ливанда бўлиши мамлакатдаги аҳволни мушкуллаштиради ва тангликни сиёсий жиҳатдан бартараф қилишга ёрдам бермайди, деб таъкидлайди. «Юманите» газетаси Сурия қўшинларини Ливандан олиб чиқиб кетиш зарур эканлиги баён қилинган мақолани босиб чиқарди.

Франция Коммунистик партиясининг Бош секретари Ж. Марше Франциянинг «Франс-энтер» радиостанцияси мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: биз Ливаннинг ҳар қандай тарзда парчалаб юборилишига қаршимиз. Биз Ливан территориясининг чет эл қўшинлари томонидан босиб олинишига қаршимиз.

Ўқитувчиларга рус тили ўргатиш ёзги курслари ГДРда яхши анъанага айланиб бормоқда. Бу ишда уларга Совет Иттифоқидан келувчи ҳамкасблар яқиндан ёрдам беришмоқда. Суратда: Ошқа шаҳридаги курсда.

ТАСС фотохроникаси.

НУРЧИЛАР ДАМ ОЛИШМОҚДА

Пурвиқор катта анҳор қирғоғига жойлашган, кўмкўк дов-дарахтлар, гулларга бурканган бу оромгоҳда нурчилар дам олишади. Бу хушманзара манзил Оққовоқдаги республика энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли «Энергетик» дам олиш уйидир.

Нурчилар дам олиш уйи янги ташкил этилган кезларда ҳар сменада 45—50 киши хордиқ чиқарган бўлса, эндиликда бу ерда 150 га яқин кишн меҳнат отпускаларини ўтказмоқда. Бундан ташқари ҳар шанба ва якшанба кунлари оилавий дам олиш учун ҳам имкониятлар яратилган.

Оромгоҳда дам олувчилар учун кутубхона, ёзлик кино театр, шахмат-шашка, биллиард ва бошқа кўнгил очар ўйинлар билан шуғулланиш учун барча шароит мавжуд. Турли темаларда савол-жавоб кечалари ўтказилиб, тарихий обидаларга экскурсиялар уюштириб турилади.

Корхона ходимлари Галина Кера, Света Ғофурова, Василий Панферов ва бошқалар дам олиш уйида яратиб берилган имкониятлардан хурсанд бўлиб гапиришди.

Нурчилар дам олиш маскани яқин келажакда янада кенгаяди.

С. СУЛТОНОВ.

Реклама ва эълонлар

«ТАШКЕНТВОДСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ
ЎҚУВ КОМБИНАТИ

1976 йили учун

БУЛЬДОЗЕРЧИ-СКРЕПЕРЧИ, ЭКСКАВАТОР МАШИНИСТИ МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚУВ КОМБИНАТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 20—34 ЕШЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, турар жойидан справка, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, 3х4 см ҳажмдаги 4 дона фотосурат, паспорт, иш жойидан ёки мактабдан характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, таржимаи ҳоли, йўлланма.

ЎҚИШНИ ТУГАТГАНЛАР ТРЕСТНИНГ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Пискент район, Тошкент денгизининг чап қирғоғи.

Янгиликлар, хушхабарлар

БАХТЛИ КЕЛИН-КУЁВЛАР

Яқинда Ўрта Чирчиқ райони маданият уйи билан ЗАГС ходимлари ҳамкорликда Қорасув қишлоқ Советида бир йўла тўрт келин-куёвнинг тўй кечасини ўтказишди. Кечада райондаги қатор колхоз ва совхозларнинг илғор кишилари, ёшлар қатнашди. Табрик сўзлари, шаърий қутловлар янгради. Бадиий ҳаваскорларнинг қувноқ куй-қўшиқлари тўйга файз киритди.

Тўйларни биргаликда бир жойда ўтказиш эндиликда одат тусига кириб бормоқда.

КУЧАДА БАЙРАМ

Олмалиқ шаҳридаги Советская кўчасида катта байрам бўлиб ўтди. Бу байрамни шаҳардаги 1,2-маданият уйлари ташкил этди. Байрамда ёнмаён яшаётган ажойиб тақдирли кишилар ҳақида қизиқарли ҳикоялар бўлди. Янги қўшнилар бир-бирлари билан танишдилар, ўзаро суҳбат қурдилар.

Кеча қизиқарли ўтди. Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш, теварак-атрофни кўркам қилиш, хонадонларда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш юзасидан суҳбатлар бўлди, ҳужжатли фильмлар кўрсатилди. Ҳаваскорлар кечада куй-қўшиқлари билан дилларни хушнуд этдилар.

ИШЧАН, КИНОМЕХАНИКЛАР

Шу кунларда тоғ атрофидаги пионер лагерларида мактаб ўқувчилари мириқиб дам олмоқдалар. Соя-салқин ниёбонларда, спорт майдонларида турли машғулотлар ўтказмоқдалар. Оқшом чўккач, кинофильмлар томоша қилишади.

Бўстонлиқ район кинолаштириш бошқармаси киномеханиклари шу пионер лагерларида бўлишиб, бадиий, илмий-оммабоп кинофильмлар кўрсатмоқдалар. Шу кунгача улар «Ленин ҳақида қиқиқлар», «Чапаев», «Ёш гвардия», «Икки онла» каби 200 дан зиёд номдаги кинофильмларни томоша қилдилар.

Лагерда пионерлар ўзлари кўришни истаган кинофильмларга заявка берадилар. Киномеханиклар улар илтимосларини қондиришга ҳаракат қилишади. Қодир Нишонбоев, Ўктам Ражабов, Ғиёс Нажимов каби киномеханиклар райондаги 33 та пионер лагерида ишлаб қилиб, квартал ва ойлик планларини ошириб бажармоқдалар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ШАРОФАТ

ҲИКОЯ

БУ воқеага анча бўлди.

Баҳор палласи эди. Кеч кириб алламаҳал бўлганида Шарофат ичкари хонага кириб боқаётган пилла қуртларидан хабар олди. Майда қирқилган барглардан солгач, деворлдаги осиғлиқ термометрга қаради. «Хона ҳарорати пасайиб кетибдику»,— дея кўзларидан ўтказди-да, сўнг хонанинг бир четида турган чўян печкага ўт ёқди.

У қайтиб ташқи хонага чиққанида ўғлининг ранги бўздай оқариб, ётган жойида қорнини чангаллаганича тўлғаниб, инграб ётарди. Шарофат бирдан ток урганидай сесканиб кетди. Югуриб бориб ўғлининг кроватчаси олдида тиз чўкди-да, ўзининг жони оғриётгандай мадорсизланиб:

— Сенга нима бўлди, Витя?— деди.

— Қорним...

Инграб ётган Витянинг рангпар чеҳрасидан совуқ тер қуйиларди.

Ташқарида ёмғир шивалаб ёғар, аллаким чертаётгандай ёмғир томчилари деразага келиб урилларди. Ўғлининг инграши она қалбини эзиб юборди. У ёмғирпўшини кийишни ҳам унутиб: «Ҳозир, бир оз сабр қил, болам»,— дея ҳовлиқканча ташқаригa отилди.

Кўкни қиличдай кесиб, чақнаган чақмоқ катта тош йўлни бир зумгина ёритиб юборди. Ивитиб ёғаётган ёмғирда хирагина ёнаётган бир жуфт чироқ олисдан кўзга ташланарди. Чақмоқ шуъласида келаётган юк машинаси эканлигини илғаган Шарофат унинг яқинлашишини тоқатсизланиб кута бошлади.

Катта тезликда келаётган юк машинаси ундан анча нарида ғийқиллаб тўхтар экан, у югуриб бориб кабинани ошиғини очди... Кабинани хира ёритиб турган чироқда ёши элликдан ошган шофёрнинг ажин оралаган юзида ғаворитр аломати кўринди.

— Нима гап, синглим?

— Ўглим...— Шарофат ҳансираб гапирарди,— ўглим, уйда оғриб ётибди. Илтимос, йўқ деманг, район касалхонасигача элтиб қўйинг.

— Уйингиз шу ўртадами?

— Ҳув, ана тепаликдаги чироқ ёниб турган уй.

— Ўтиринг,— у кабинага ишора қилди.

ШАРОФАТ операция хонасининг эшиги олдида юрагини ҳовучлаб ўтирар, қалбини ғижимлаётган ваҳима тошини кўз ёши билан эритмоқчи бўларди. У чуқур хўрсинди-да, кўз ёшини енгининг учига артди. Тўсатдан бўлиб ўтган воқеалар чувалашиб кетган хотирасида «лоп» этиб аланга олди...

Уруш йиллари эди. Бир куни кўча эшиги оҳиста қақиллаб тўладан келган, чит кўйлаги устидан костюм кийиб олган, ёши қирқлар чамасидаги қишлоқ Советининг раиси Раҳима опа билан чақалоқ кўтарган, сарғишроқ сочини икки бўриб орқасига ташлаган қандайдир рус аёли ҳовлига кирди.

Айвоннинг бир четида кўсак чиқиб ўтирган Шарофатнинг уларга кўзи тушди-ю, айвонга жой сола бошлади.

— Кўп овора бўлаверманг, синглим,— деди Раҳима опа айвонга яқинлаша туриб.

— Эй, овораси борми, опа. Қани, тўрга чиқинглар. Чой устида Раҳима опа:

— Қодиржондан хат-хабар келиб турибдими, синглим,— деб унинг турмуш ўртоғини сўради.

Шарофат оғзидаги бир тишлам нонни зўрға ютди. Чуқур уҳ тортди.

— Бир ойдан ошибдики, бирорта хат олганим йўқ-а. Яна Қодиржон акамларга бирор нарса...

— Оғир кунда умидсизликка тушманг, булутдан ҳам тиниқ сув томади, синглим,— деди Раҳима опа.— Мана, Валентина Васильевнанинг — у ёнида ўтирган ҳалиги рус аёлини кўрсатиб,— турмуш ўртоқлари Сергей Николаевич ҳам урушда эканлар. Уруш ҳозир ҳамманинг бошига тушган оғир мусибат бўлди.

Бир лаҳза жимликдан сўнг Раҳима опа пиёладаги чойдан бир хўплам симирди-да, гап бошлади:

— Айбга қўшмайсиз, Шарофатхон. Сизникига бир илтимос билан келгандик. Уйингизда бирорта бўш хона йўқми?

— Ҳа, бор, нега эди?

— Уруш тугагунча Валентина Васильевна шу ерда, бўш хонангизнинг бирида яшаб турса шунга сиз нима дейсиз?

Тўсатдан Шарофатнинг чеҳраси ёришди. Қалбида хушнуд бир енгиллик сезди.

— Вой опа, мен нима дердим. Ҳайҳотдай уйда ёлғиз ўзим ҳувуллаб ўтирувдим,— сўнг у меҳр тўла кўзларини рус аёлига тикди.

— Валентина Васильевна, қўлингизда бола билан қийналиб қоласиз,— деди Шарофат,— Менга ташлаб кета қолинг, келгунингизча қараб тураман.

— Қандай бўлар экан,— деди у хижолатомуз,— йиғлайвериб, сизни безор қиладида.

— Ҳеҳқиси йўқ йиғласа, бир амаллаб овутарман, бериб кетаверинг.— Шарофат Валентина Васильевнанинг қўлидан аваллаб чақалоқни олар экан.— Бу ширин боланинг исми нима экан?— дея сўради гўдакни эркалаб.

— Витя.

— Витя яхши бола, оппоқ бола. Вой, ана қаранг, кулаяпти-я.

Валентина Васильевна ўғилчасининг бурнидан оҳиста чимчиб қўйдида, Раҳима опанинг кетидан чиқиб кетди.

Мана шу воқеадан сўнг кўп ўтмай, Шарофат бир қўлига Витяни, бир қўлига тугунча кўтариб, мана шу ҳозир ўзи ўтирган район касалхонасига келди. Ўша кунларда Валентина Васильевна юрак касалига чалиниб ўлим тўшагида ётарди.

— Мени деб қанча қийналдингиз. Касал бўлиб, яна сизни ташвишга солдим, —дерди у нуқул.

— Касалим оғир, менга бирор нарса бўлса, сиз ҳали ёшсиз Шарофат, бола билан қийналиб юрмай, ўглимни болалар уйига топшира колинг.

— Нималар деяпсиз. Сиз ҳали кўп яшайсиз, Валентина Васильевна. Витянинг бахтига тузалиб кетинг,— дея Шарофат бемор кўнглига таскин берди.

Аммо мусибат ортидан мусибат келаверди. Витянинг онаси вафот этгач, даласи Сергей Николаевичдан Шарофатга қора хат келди.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас, турмуш ўртоғи Қодиржондан ҳам қора хат келди, Шарофат кўп куйди, ғам чекди. Ёши ўттизга етмай сочига оқ, юзига ажин оралади, лекин ҳаммасига чидади. Инсон табиатан кўнникувчан бўлади. Мана энди унинг ёлғиз суянган тоғи, кўзининг оқу қораси, кувончи Витя ҳам операция столида ётибди.

Бироздан сўнг операция тугалланди. Ичкаридан тергa пишиб кетган, ўрта бўйли, хушбичимгина аёл чиқди.

— Қалай?— Шарофат секин врачнинг ёнига келиб, шивирлаб сўради.

— Ташвишланманг, ҳаммаси жойида.

Онанинг маъюс чеҳраси бирдан ёришди. Шу онда у қаршисида турган ўглининг ҳалоскорига қандай қилиб ўз миннатдорчилигини изҳор этишни билмас эди.

Улуғбек МУСТАФАҚУЛОВ.

«Баҳор» ансамбли янги концерт программаси асосида ўз гастролларини бошлади. Яқиндагина қирғиз чўпонлари ҳузуридан қайтган ансамбль коллективи Ленинград, Белоруссия, Болтиқ бўйи ўлкалари бўйлаб сафарга жўнади. Суратда: «Баҳор» ансамбли солистлари янги рақс ижро этишмоқда.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

СПОРТ

«ДНЕПР»НИНГ ҒАЛАБАСИ

Бу галги ўйинга майдон эгалари ишонган тоғлари —Монреаль олимпиадасининг тўққиз бронза совриндори билан чиқдилар. Лекин Киев динамочиларининг жанговар сафи днепрчиларни шаштидан қайтармади. Улар ўйин бошлариданоқ беш-етти ўйиннчи билан тез-тез ҳужум қилиб турдилар. Лекин ҳужумнинг маълум йўналишда давом этиши «Динамо» ҳимоячиларини ончалик шошилтирмади. Киев футболчилари кам ҳужум қилсаларда, рақиб дарвозаси олдида хавфли вазиятлар пайдо қилиб туришди. Ҳисобни 22-минутда динамочилар очишди. Шундан кейин майдон эгалари бироз ҳотиржамликка берилдилар. Меҳмонлар эса узоқдан туриб дарвозани мўлжалга ола бошлашди. Яковлевнинг жавоб тўпи ана шу ҳаракатнинг меваси бўлди. Биринчи таймда 1:1 ҳисоби қайд қилинган бўлса, иккинчи бўлимда яна икки тўп киритишга муваффақ бўлган днепропетровсклик футболчилар 3:1 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Олий лига командалари ўртасида ўтказилган қолган ўйинлар қуйидаги натижалар билан тугади: «Черноморец» —«Динамо» (Тб) — 2:1, «Арарат» — «Крилья Советов» — 0:0, «Шахтёр» — «Заря» — 0:0, «Карпати» — «Динамо» (Мн) — 2:2

СОВЕТ ШАХМАТЧИЛАРИ ОЛДИНДА

Венесуэланинг марказида давом этаётган студентлар олимпиадасида совет шахматчилари 11 очко билан пешқадамликни сақлаб келмоқдалар. Командамиз учинчи турда швейцариялик студентларни 3,5:0,5 ҳисобида мағлубиятга учратиб ва иккинчи ўринда бораётган командадан тўрт очкога ўтиб кетишга муяссар бўлишди.

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 —Янгиликлар. 10.10—Эрталабки гимнастика. 10.30—Моҳир қўллар. 11.00—**Борислар** (бадиий фильм, 1-серия). 12.05 — Концерт. 15.10 — Илмий-оммабоп фильм. 16.00—В. Казин поэзияси. 16.40 —Рус тили. 17.25 — Москва ва москваликлар. 17.55 — **Ҳоҳловчилар ёзилиши мумкин** (бадиий фильм). 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.30 — Телеочерк. 20.00 Москва концерт заллари бўйлаб. 20.55 — **Борислар** (бадиий фильм, 2-серия). 22.00—**«Вақт»**. 22.30 — «Артлото». 23.25 —Катталар учун мультфильмлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Е. Шварц. **Инки заранг дарахти** (телеспектакль). 12.15 —Пионерлар уйида. 12.45 —**Ёш гвардия** (бадиий фильм, 2-серия). 14.05—Концерт. 18.25 —Кувноқ учрашувлар. 18.50—Ўзбекистонлик гагаринликлар (иккинчи кўрсатув). 19.10 — Ўзбекистоннинг колхоз қурилишларида. 19.45 — **«Ахборот»**. 20.00 — Кино ҳақида суҳбатлашамиз. 21.00—**«Ахборот»**. 21.20 — Пахта йиғим-теримига ҳамма нарса шайми? 21.40 —Мирмуҳсин. **«Меъмор»** (телеспектакль, 3-қисм). 22.40 —**Ғирт ёлғончи** (кинокомедия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Фильм-эртак 19.15—Реклама ва эълонлар. 19.30—Л. Дмитриенко. **«Гулчамбар»** (телеспектакль). 20.40 — Тошкент янгиликлари. 20.55 — Меҳнат ва спорт. 21.25 — Унутилган лепталар. 21.25 — Ҳужжатли фильмлар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ҳунар-техника таълими давлат комитети

БЕКОБОД ШАҲАР 43-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1976—1977 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги мутахассисликлар бўйича малакали касб эгаларини тайёрлаб чиқаради: ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, ТОКАРЬ, ЭМАЛЛОВЧИ. Ўқиш муддати — 3 йил; АВТОСЛЕСАРЬ, СЛЕСАРЬ-ИҒҒУВЧИ, СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИ, СУВОҚЧИ-БУЕҚЧИ. Ўқиш муддати — 2 йил. ҒИШТ ТЕРУВЧИ, ДУРАДГОР. Ўқиш муддати — бир йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ, 8, 9, 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН ИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар давлат таъминотида бўладилар. 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси давомида ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Пўлат қуювчи, вальцовкачи, темирчилик-пресслаш ускуналарининг штамповкачиси каби касбларни ўрганишни истаганлар ойига 50 сўм ҳажмида стипендия оладилар. Ана шу касбларга ўргатиш учун 10 синфларни битирган ўқувчилар қабул қилинадилар. Ўқиш муддати — бир йил.

Билим юртида яхши жиҳозланган ўқув кабинетлари бор. Машғулотлар турли воситалар ва кўргазмали қуроллар-ни ишлатилган ҳолда юксак педагогик савияда олиб борилади.

Ўқиш аълочилари дам олиш уйлари, санаторийларга бориш учун путёвкалар билан рағбатлантирилади, билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар институтга юборилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш лозим: директор номига ариза, гувоҳномалар: маълумоти тўғрисида, туғилганлиги ҳақида (ёки паспорти), ўқиш жойидан характеристика, 6 та фотосурат (3х4 сантиметрли), медицина справкаси (286-формали).

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ СОАТ 9.00 ДАН ТО 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Бизнинг адресимиз: Тошкент область, Бекобод шаҳри, Икромов кўчаси, 27-уй.

ЕЗ МАНЗАРАСИ.

Н. Нуриддинов фотоэтюди.

ЯНГИ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

ЗАМОНАМИЗНИНҒ йирик воқеаларидан бири, жаҳон спортчиларининг анжумани — олимпиада мусобақалари якунланганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Қарийб икки ҳафта мобайнида алангаланиб турган олимпиада машъаласи сўнниб, мусобақалар тантанали равишда якунланган кун Ватанимиз пойтахти Москва Монреалдан олимпиада эстафетасини қабул қилди.

Ҳа, яна тўрт йилдан кейин жаҳонда биринчи социалистик давлат пойтахтида қадимий Грециядан келтирилувчи оловдан олимпиада машъаласи алангаланади. Дунёдаги энг кучли, чаққон ва чапдаст йигит-қизлар ўзаро беллашиш учун Москвага йўл оладилар. Бунгача орада тўрт йил бор. Демак, эндиги вазифа «Олимпиада-80» га астойдил тайёргарлик кўришдан иборат.

1980 йилгача мамлакат спортчилари қатори ўзбекистонликлар ҳам Бутуниттифоқ, Европа ва жаҳон мусобақаларида, олимпиада олди босқичи ҳисобланган СССР халқлари спартакиадасида иштирок этиш, Тошкентда бўлажак мактаб ўқувчилари Бутуниттифоқ спартакиадасига ҳозирлик кўрадилар. Спорт бетиним ҳаракат демакдир. Зеро, шундай экан тўрт йилгача олимпиаданинг «кучлироқ, тезроқ, баландроқ» деган шиорига амал қилган ҳолда тинимсиз машқларга, ўқувтарбия ишларига эўр беришимиз зарурдир.

Бизнинг интернат-мактаб ўқув-тарбия муассасаларидан ҳисобланади. Бизда ёшларга ўрта мактаб маълумоти берилиши билан бирга юқори малакали спортчилар, мамлакат терма командаларига вакиллар тарбия топади. Интернат-мактабимиздан ҳаётга йўлланма олган ва ҳозирги кунда мингларб спорт муҳлисларини мамнун этиб, олқишларга сазовар бўлиб турган ўнлаб йигит-қизларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Фақат кейинги икки йил мобайнида қарийб 170 разрядли спортчи, жумладан 14 спорт мастери, 53 мастерликка номзод тарбия топди. Муҳлислар ўртасида танилиб қолган Александр Юдин, Валентина Чулкова, Татьяна Рилова, Владимир Фёдоров, Михаил Ан, Гарик Мовсесян, Олим Аширов каби спортчиларимиз номини ҳурмат билан тилга оламиз.

Мактабимизда қарийб 650 ўқувчи спортнинг енгил-атлетика, сузиш, футбол, велоспорт, қиличбозлик ва спорт гимнастикаси турларни бўйича таълим олмоқдалар. Ёшларимизнинг кўпчилиги мамлакат терма командаси аъзолари ҳисобланади. Бу йил юқори синф ўқувчиси В. Логвин қиличбозлик бўйича мамлакат чемпиони номига сазовар бўлди. Л. Давидова, Н. Бауриналар эса мамлакат биринчилигида ўзларини моҳир гимнастикачилар эканликларини намойиш қилдилар. Велосипедчимиз В. Макаркин «Умид» кубоги учун курашда совриндор бўлди. Ашхабодда ўтказилган кўпкунлик пойгада эса, фахрли ўринни эгаллади.

Талабаларимизнинг бундай натижаларга эришувларини мактаб ўқитувчилари, тарбиячилари, тажрибали тренерлар В. Пательчак, В. Пак, Г. Таратарин, В. Ятченко, И. Тошмуҳамедов, Н. Капустин, Н. Кириллова, Н. Варибурс, Л. Ларсин, Д. Азизов, Ю. Акбаровлардан иборат иноқ коллективнинг меҳнатлари самараси деб қараш керак.

Интернатда қурилиш ишлари ҳам ниҳоясига етказилмоқда. Жумладан, уч залли гимнастика корпуси, енгил атлетика зали, очиқ ва ёпиқ суви иситиладиган сузиш бассейни, мерганлик тири фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Ўқувчилар ҳамиша медицина назоратида турадилар. Уларга маданий-маиший шароитлар яратишга ҳам алоҳида эътибор бериляпти.

Шу йил баҳор кезлари мактабимизга СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети раиси ўртоқ С. П. Павлов ташриф буюрди. У киши мактаб территориясини кўздан кечиргач, мамнун ҳолда хотиралар китобига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирди: «Қадрли дўстлар! Бу ерда бор-йўғи икки йил бурун бўлгандим. Лекин кўпгина ўзгаришлар, янгиликлар кўзга ташланиб турибди. Янги спорт заллари, сузиш бассейнлари, музей... Энг қувончлиси сизларнинг иноқ коллективингиз спорт ишларини ихлос билан юритаётганлигидир. Зеро, спорт ишларига меҳр бор ерда самаралар ҳам қўлга кира боради. Сизларга энг яхши истакларимни билдираман».

Бугунги кунда бизга берилган ана шу юксак баҳодан руҳланган ҳолда қиладиган ишларимизни режалаштирмоқдамиз.

С. РОЗИҚОВ,
Титов номидаги республика умумий таълим спорт интернат-мактаби директори.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20|VIII да **Аяжонларим**, 21|VIII да **Кўрмайин босдим тиконни**, 22|VIII-да **Антигона**.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Латвия ССР цирк усталарининг хайрлашув гастроллари, «Уссури йўлбарслари» аттракциони** (19.30).

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Табор кўкка интилади — «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 19.30), САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Эрканлар сочи эрта оқаради — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Жаноб Септим ресторани — «НУКУС» (тоқ соатларда).

Бошсиз чавандоз — «ВОСТОК» (21.30).

ЕЗГИ БИНОДА

Табор кўкка интилади — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.50, 22.30).

Пролетар диктатураси учун бриллиантлар — «ХИВА» (20.50).

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ • ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ — Ўз ССР

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЛИМИГА

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»га қарашли «ЖИЛСТРОЙ» трестининг «ТОШКЕНТ» кўчма механизациялаштирилган колоннасида Бухоро шаҳрида ишлаш учун қуйидаги касбдаги ишчилар: арматурчилар, дурадгорлар, монтажчилар, том ёпувчилар, сувақчилар, бўёқчилар, бетончилар

КЕРАК

Командировка вақтида ишчиларга 2 сўм 60 тийин суточний берилади ва асосий иш ҳақига 15 процент ҳажмида пояс коэффициенти тўланади.

Тошкент шаҳри-47, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона, Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда Тошкент шаҳридаги район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 13304. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахона си, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64633. В.— 2628.